

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

ЮСУПОВ ФАХРИДДИН БАХТИЁРОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МУЛКИНИ СУҒУРТАЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

5A231201 – Суғурта иши

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Шеннаев Х.М.

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА		
	Кириш	3
I боб.	Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг назарий-услубий асослари	9
1.1	Суғурта – жисмоний шахслар мулкый манфаатларини ҳимоялашнинг муҳим шарты.....	9
1.2	Жисмоний шахслар мулкани суғурталашда рискларни бошқариш услублари.....	17
1.3	Жисмоний шахслар мулкани суғурталашда андеррайтинг услублари.....	22
	I боб бўйича хулоса	27
II боб.	Ўзбекистонда жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг замонавий ҳолатини таҳлили	29
2.1	Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартномасини тузиш ва ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	29
2.2	Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартларининг солиштирма таҳлили.....	44
2.3	Ўзбекистонда жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг ҳозирги замон тенденцияларини таҳлили.....	56
	II боб бўйича хулоса	63
III боб.	Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш самарадорлигини ошириш йўллари	64
3.1	Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг хорижий тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.....	64
3.2	Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	71
	III боб бўйича хулоса	75
	Хулоса	76
	Адабиётлар рўйхати	81

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривож топаётганлигини алоҳида қайд этиб, қуйидагиларни таъкидладилар: “Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. Биз ўтган йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди. 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди”¹.

Маълумки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг асосий сектори таркибига суғурта тизими ҳам киради. Суғурта тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш юзасидан қабул қилинган Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида ушбу тизим сўнги йилларда барқарор ривожланиш суръатларини намоён этмоқда. Жумладан, 2013 йил якунлари бўйича Ўзбекистон суғурта бозорида тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 338,5 млрд.сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 132,1 фоизга кўпдир².

¹ Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Миллий бозоримизнинг шундай суръатлар билан ривожланишига карамай, мулкӣ суғуртанинг муҳим сегментларидан бири – жисмоний шахслар мулкӣни суғурталашнинг бугунги ҳолатини қониқарли деб бўлмайди. Айниқса, суғуртанинг аҳоли кенг қатламлари орасига кириб бормаганлиги, суғурта саводхонлигининг ҳали-ҳануз паст даражада сақланиб қолаётганлиги, аксарият суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари тушумини “тез ва осон, кўп меҳнат талаб этмайдиган йўллар” орқали кўпайтиришга қаратилган ҳаракатлари туфайли, кўплаб савдо шахобчалари ёхуд маълум миқдорда агентлар сонини оширишни тақозо этадиган жисмоний шахслар билан ишлаш тизимига қизиқишининг камлиги жисмоний шахслар мулкӣни суғурталаш соҳасини кенг миқёсда ва кўламда тараққий этишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай муаммоли ҳолатларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал этиш йўллари излашнинг зарурлиги, ушбу магистрлик диссертация иши мавзусининг ғоят долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертация ишининг объекти бўлиб, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияларининг жисмоний шахслар мулкӣни суғурталаш бўйича олиб бораётган фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предметини жисмоний шахслар мулкӣни суғурталашда суғурталовчи ва мижоз ўртасида юзага келадиган муносабатлар, суғурталаш қоидалари ва тартиблари ташкил этади.

Тадқиқот мақсади. Жисмоний шахсларнинг мулкӣни суғурталашнинг назарий ва услубий асослари ҳамда амалий жиҳатларини ўрганиш натижасида ушбу суғурта турини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсадини белгилайди.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот иши олдига қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур деб ҳисобланди:

- жисмоний шахслар мулкӣни суғурталашнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

- жисмоний шахслар мулкига хавф солувчи рискларнинг табиатини ўрганиш ва уларни классификациясини шакллантириш;
- жисмоний шахслар мулкини суғурталаш бўйича андеррайтингни амалга ошириш хусусиятларини асослаш;
- жисмоний шахслар мулкини суғурталашнинг асосий шартларини солиштира таҳлил этиш;
- жисмоний шахслар мулкини суғурталаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва унинг айрим жиҳатларини Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда жисмоний шахслар мулкини суғурталаш тизимини такомиллаштириш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертация ишида жисмоний шахслар мулкини суғурталашнинг назарий, услубий асослари ўрганилади. Тадқиқот ишида жисмоний шахслар мулкини суғурталашда рискларни бошқариш, андеррайтинг сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, суғурталашнинг асосий шартлари илмий жиҳатдан таҳлил этилади. Шунингдек, айрим суғурта ташкилотларининг жисмоний шахслар мулкини суғурталаш қоидалари солиштира тадқиқ этилади. Бизнинг назаримизда, истикболда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар мулкини суғурталаш борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд.

Тадқиқот ишида фойдаланилган адабиётлар тавсифи. Диссертацияни ёзишда мамлакатимизда чоп этилган ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий мақолалар, қонунчилик ҳужжатлари ҳамда суғурта ташкилотларининг веб-сайтидаги мавжуд адабиётлардан фойдаланилди. Хусусан, “Страховой бизнес в Узбекистане” (“SAIPRO” компанияси, 2011 йил), “Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори” (А.Эркаев, “Наврўз” нашриёти, 2013 йил), “Ўзбекистон суғурта бозори” (Х.Шеннаев, “Иқтисод-молия” нашриёти, 2013 йил), “Суғурта иши” (Х.Шеннаев, Т.Баймуратов, “Турон-иқбол” нашриёти, 2013 йил) ва бошқа ўқув адабиётларидан ҳамда

2012 йил 21 февралда Тошкент молия институтида “Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланишининг истиқболлари” мавзусида бўлиб ўтган республика илмий-амалий конференцияси илмий маърузалар тўплами материалларидан фойдаланилди.

Тадқиқот услублари. Диссертацияни ёзишда тизимли таҳлил, назарий ва амалий таҳлил, таркибий ва солиштира таҳлил, диалектик ва тарихий ёндашув, эксперт баҳолаш каби тадқиқот услубларидан фойдаланилди. Шунингдек, статистик материалларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашда гуруҳларга бўлиш, танлаб олиш ва бошқа иқтисодий-статистик услублари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотни амалга ошириш натижасида олинган хулосалар суғурта иши фанининг назарий асосларини янада бойитишга, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Суғурта иши”, “Суғурта маркетинги”, “Суғурта ҳукуқи” каби фанлардан ўқув машғуотларини олиб боришда фойдаланилиши мумкин. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар суғурта ташкилотларининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича қоидаларни такомиллаштиришда, амалий иш фаолиятида татбиқ этилиши мумкин.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- суғурта соҳасидаги мутахассислар, мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг илмий асарларига таянган ҳолда жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилди;

- жисмоний шахслар мулканинг ҳолатига таъсир этувчи рискларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;

- мамлакатимизнинг айрим суғурта ташкилотлари мисолида жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича шартномаларнинг тузилиши ва ижро этилиши босқичлари кўриб чиқилди;

- жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг амалдаги шартлари солиштирма таҳлил этилди;

-мамлакатимизда жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бозорининг ривожланиш тенденциялари аниқланди;

-жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг истиқболли турларидан бири сифатида уй-жой суғуртаси концепциясини ишлаб чиқишнинг зарурлиги бўйича таклиф ишлаб чиқилди;

-аҳолининг суғурта саводхонлигини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида мунтазам равишда тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги асосланди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда 55 номдаги адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг назарий ва амалий аҳамияти асосланган ҳамда тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот услублари ҳамда илмий янгилиги ўз ифодасини топган.

“Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг назарий-услубий асослари” деб номланган биринчи бобда жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашнинг муҳим воситаси сифатида суғуртанинг ўрни очиб берилган. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларига зиён етказиш эҳтимоли бўлган рисклар классификация қилинган. Бундан ташқари, жисмоний шахслар мулкани суғурталашда андеррайтинг сиёсатининг босқичлари ҳам тадқиқот ишининг биринчи бобида ўрганилган.

“Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг мулкани суғурталашнинг замонавий ҳолати” деб номланган иккинчи бобда жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартномасининг тузилиши ва ижро этилишининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган ҳамда ушбу суғуртани амалга

оширишнинг шартлари солиштира таҳлил этилган. Ушбу бобда Ўзбекистонда мулкӣ суғурта бозори ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлашга ҳаракат қилинган.

“Жисмоний шахслар мулкӣни суғурталаш самарадорлигини ошириш йўллари” деб номланган учинчи бобда жисмоний шахслар мулкӣни суғурталаш билан боғлиқ хорижий тажриба тадқиқ этилган ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўллари кўрсатилган, жисмоний шахслар мулкӣни суғурталашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг хулоса қисмида магистрлик диссертация ишини ёзиш натижасида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар баён этилган.

I боб. Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг назарий-услубий асослари

1. Суғурта – жисмоний шахслар мулкый манфаатларини ҳимоялашнинг муҳим шарти

Бозор иқтисодиёти тизими ривожланиб борар экан жамият фаолиятининг барча соҳалари кўрсаткичларига, айниқса, иқтисодий муносабатларда иқтисодиётнинг муҳим элементлардан бири суғуртага эҳтиёж ошиб боради. Суғурта фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг мулкый манфаатларини ҳар хил табиий, техник ҳамда турли хилдаги таваккалчиликлардан ҳимоя қилишини бюджетдан маблағ талаб қилмай таъминлайдиган механизмдир.

Табиий офатлар, авариялар ва бошқа фавқулотда рўй берадиган ҳодисалар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз беради. Илмий нуқтаи-назардан қараганда, ҳар бир мулк эгаси ўз мол-мулкани қисман зарарланиши ёки бутунлай йўқотилиши оқибатида кўриладиган зарарларни қопланишидан манфаатдор эканлигини кўриш мумкин.

Қадим замонлардан фуқаролар ўртасида кўрилган зарарни қоплаш мақсадида мулк эгаларига тегишли мол-мулкларни бирлаштириш ва зарарни бирлашма аъзолари ўртасида бўлиш фикри туғилган. Ушбу бирлашма қатнашчилари қанчалик кўп бўлса, зарар кўрган томонга тўланиши керак бўлган қоплама учун ажратиладиган маблағ улуши шунча кам бўлган.

Тарихдан маълумки, агарда ҳар бир мулк эгаси эҳтимоли мавжуд бўлган зарарни қоплаш мақсадида захирада унинг айланма маблағларига тенг миқдорда моддий бойликларни ушлаб туришга мажбур бўлганлар. Шу сабабли хайрихоҳ шахсларни зарарни биргаликда қоплаш мақсадида бирлашмага бирлаштириш ғояси юзага келган.

Суғурта узоқ тарихга бориб тақалади. Милоддан анча олдин ҳукмронлик қилган Бобил подшоси Ҳаммураппи жорий қилган қоидада йирик савдо колониялари жамоаси узоқ сафарга чиққанда талофат кўрса, қароқчиларга таланса, кўрилган зарарни жамоа аъзолари ўртасида баробар тақсимлаш йўли билан қоплаш кўзда тутилган, шу орқали ҳамкорликда ёрдам уюштирилган.

Кўзда тутилган бу қоида суғурта фонди ташкил қилинганига қадар келиб чиққан. Тўсатдан юз берган ҳодисалар қароқчилар ҳужуми, бетоб бўлиб қолиш ва ҳоказолар натижасида пайдо бўлган зарарларни қоплаш усули бир мамлакатда ўрганилиб, иккинчи мамлакат савдогарлари жамоаларида ҳам қўлланилган. У Марказий Осиё шаҳарлари бўйлаб кенг тарқаб савдо алоқаларини амалга оширувчиларга ҳам қулайлик туғдирган. Кейинчалик бу қоида ривожланиб қарвонлар сафарга отлана бошлаганларида суғурта фондини шакллантириш русум бўла бошлаган. Аҳолини муҳтож табақаларига ёрдам бериш шариат қонунларида ҳам кўзда тутилган. Кейинчалик унинг ўрнига садақа ҳисобидан фонд ташкил қилиниб, ёрдам уюштирилган. Демак, дастлаб суғурта фонди закот ва садақа сифатида шаклланган, маҳалла ва қишлоқларда табиий офат, бахтсиз ҳодиса, талофат юз берганда жамоатчилик йўли билан моддий ёрдам уюштирилган, ҳашар ташкил қилинган, жабрланганларга пул йиғиб берилган¹.

Суғурта тушунчаси юзага келиши билан инсоният ҷамиятларининг барча тизимларида мавжуд бўлган табиий офатлар, ёнғинлар, ер қимириллашлари, қорамоллар ўлиши, авариялар ва бошқа ҳодисалардан мулк эгасининг кўрган зарарларини қоплаб беришнинг энг самарали усули бўлиб ҳисобланган.

«Суғурта деганда юридик ёки фуқаролар тўлайдиган суғурта муқофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта

¹ “Суғурта: 100 савол ва жавоб” Ҳ.Собиров. Тошкент – “Меҳнат”-1998, 20-21 бетлар.

шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»².

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, соғлиги ва даромадларини йўқотиш, суғурта рисклари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари, барча фуқароларнинг мол-мулки ва даромадларини суғурта ҳимоясига олиш – суғуртанинг иқтисодий моҳиятини белгилаб беради. Кўп асрлик суғурта тарихи шуни исботлаб бердики, суғурта фаолияти иқтисодиётга ижобий таъсир этувчи энг муҳим омиллардан биридир. Бундан ташқари суғурта ташкилотлари томонидан шундай фаолият амалга ошириладики, бу суғурта ҳодисасини олдини олиш ишларидир. Олдини олиш ишлари ўз ичига, суғурта ҳодисалари сони ва ундан келадиган зарарларни камайтириш мақсадида амалга ошириладиган ишлар, яъни доимий суғурта объектининг текшириш ва ўқув дастурлари киради. Шу сабабли, суғурта нафақат суғурталанган мулкни хавфсизлигини таъминлашини, балки суғурта ҳодисаларини рўй беришини камайтиришга ва фуқаролар хавфсизлигини яхшилашга ёрдам беришини исботлаб берди.

Шундай қилиб, суғурта бозор иқтисодиёти шароитида режали иқтисодиёт давридан фарқли ўлароқ, янги шакл ва вазифаларни яратди. Айниқса бозор иқтисодиёти ривожланаётган даврда тадбиркор ўзининг жами фикрларини бозор муаммоларига, рақобатга қаратиши, барча ишлаб чиқариш ва меҳнат воситалари турли хилдаги бахтсиз ҳодисалардан моддий ҳимояланганлигига ишончи комил бўлиши зарур.

Суғурта муносабатларига суғурта шартномаси орқали киришилади, яъни суғурта шартномаси бу ёзма равишдаги битим бўлиб, бунга кўра олдиндан кўзда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта ташкилоти суғурталанувчига ёки унинг учун олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга ушбу ҳодиса туфайли кўрилган зарарни тўлайди. Суғурта шартномасининг амал қилиши одатда ягона суғурта бадали бўлган чоғда

² Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни 3 - моддаси

суғурта бадалининг барча миқдори тўлаб бўлингандан кейин ёки бадалнинг биринчи қисми тўлангандан кейин бошланади. Суғурта шартномаси амал қилиши суғурта шартномасида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тўхтайдди. Шунингдек суғурта ҳодисаси юз берган ҳолда ва унга суғурта товони тўлиқ тўланганда суғурта шартномасининг амал қилиш муддати белгиланган муддатдан олдин тўхтатилади.

Суғурта шартномасини тузиш ва унинг амал қилиш даврида мижоз доимо суғурталовчининг эътиборида эканлигини, суғурта мукофотлари ҳисобига ўзи учун ишончли ҳимояни сотиб олганлигини, танлаган суғурта ташкилоти самарали бошқарилаётганлигини ҳамда унинг манфаатлари биринчи ўринга қуйилаётганлигини ҳис этиши муҳимдир. Суғурта риски юзасидан эҳтимолликка, суғурта таъминотига бўлган эҳтиёжни юзага келтирувчи қатор омиллар субъектлар томонидан талаб сифатида қўйилиши мумкин. Улар жумласига:

- Иқтисодиётда нодавлат секторнинг кенгайиши;

- уй-жой фондларининг кенгайиши;

- аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши каби қатор омиллар киради.

Фақат суғуртагина инвестиция имкониятларини кўпайтиришга ва миллатнинг моддий бойликларини ўстиришга имконият ярата олади. Бу айниқса ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди.

Суғуртада инсонлар ўртасида ишлаб чиқариш, муомала қилиш, моддий бойликлар олиш, алмашиш жараёнларидаги иқтисодий алоқалардан фойдаланилади. У барча жамият аъзолари ва хўжалик юритувчи субъектларга зарарни қоплаб бериш кафолатини беради.

Табиат ва жамиятнинг моддий зарар келтирувчи зиддиятли ҳаракатлари инсонлар томонидан биринчи навбатда тасодифан рўй берди деб қабул қилинади, лекин уларнинг доимий такрорланиб туриши оқибатида иқтисодий алоқалар ҳолати ва техноген муаммолар бўлишидан

катъий назар рўй беришини исботлаб беради. Табиат ва жамият ўртасидаги карама – қаршиликлар натижасида юзага келган зарарни қоплаш, инсонлар ўртасида табиий офатлардан кўриладиган зарарлар оқибатларини қисқартириш, баратараф этиш ва олдини олиш зарурлигини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз бўлишини таъминлаш ва ҳаётда эришилган мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида инсонлар ўртасидаги бу объектив алоқалар барчаси суғурта ҳимоясининг иқтисодий категориясини ташкил этади.

Суғуртанинг иқтисодий категория сифатида ўзига хос белгилари мавжуд. Миждозда ўз мол-мулкларини суғурталашга бўлган эҳтиёж асосан содир бўлиши эҳтимоли кучли бўлган тасодикий воқеанинг, яъни суғурта ҳодисасининг мавжудлиги билан боғлайдиган фавқулоддалиқдир. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга зарар етишига, даромадни бой беришга ва учинчи шахс олдидagi жавобгарликка олиб келиши мумкин. Суғурта ҳар доим суғурта воқеасига, яъни юз бериши суғуртанинг асосий иштирокчилари суғурталанувчи ва суғурталовчи ихтиёрига боғлиқ бўлмайдиган кутилмаган ҳодисага алоқадор бўлади.

Суғуртанинг яна бир хусусиятларидан бири бу таъмин этилганликдир. Бунда суғурталанувчи суғурталовчига суғурта мукофотларини тўлаш учун барқарор даромад манбаига эга бўлиши лозимлиги кўзда тутилади. Ушбу ҳолат аввало шу билан изоҳланадики, суғурта бизнеси биринчи навбатда ким суғурта ҳимоясига муҳтож ва суғурта мукофотини тўлаш имкониятига эга бўлса, ўшаларга йўналтирилган бўлиш керак. Акс ҳолда уларнинг мукофотлари ҳисобига, эҳтимолда тутилган фавқулодда ва бошқа зарарларни тўлаш учун мўлжалланган мақсадли суғурта фондини шакллантиришнинг имкони бўлмайди.

Чегараланганлик, яъни суғурталанганлар ўртасида зарарни тақсимлаш нисбатини таъминлаш. Бунда зарар кўрганлар сони ҳар доим суғурталанганларнинг умумий сонидан кам бўлиши лозим бўлади. Шунинг

ҳисобидан суғурталанганлар ўртасида зарарни тақсимлаш нисбати таъминланади. Суғурта зарарини биргаликда тақсимлаш тамойили асосида суғурталанувчилар томонидан уларнинг суғурта мукофотлари ҳисобига шакллантирилган суғурта фонди воситасида суғурталанувчилар ўртасидаги ёпиқ қайта тақсимлаш пул муносабатидан иборат. Суғурта фаолиятининг ўзига хослиги шундан иборатки, суғурталовчи суғурта фондини суғурта турларидан шакллантиради, шу билан бирга суғурталанувчилардан тушган суғурта мукофотлари суғурталовчининг фойдаси сифатида қаралмайди, чунки улардан бўлғуси мукофотлар учун фойдаланиш лозим бўлади. Ушбу фонд маблағларидан фақат уни ташкил этувчиларгина фойдаланишлари мумкин ва бунинг натижасида суғурта мукофоти миқдори уларнинг ҳар бирини зарарини тақсимлаш нисбатида ифода этади. Зарарни бундай тақсимлай олиш суғурталанувчилар сони анча кўп бўлгандагина самарали бўлади ва суғурталанувчилар сонининг ўсиш суръати суғурта ҳодисалари ўсиши суръатидан юқори бўлади.

Суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни қоплаш ўз навбатида, унинг вақтинчалик ва ҳудудий тақсим қилинишига боғлиқ бўлади. Суғурталанувчиларнинг турган ўрни маълум бир жойга алоқадорлиги сабабли анча катта ҳудуд суғуртага тортилган ва миждозлар сони анча кўп бўлган чоғда зарар суммасини муваффақиятли қайта тақсимлаш имкони бўлади. Бундан ташқари тадбиркор даромадига, оила даромадига оғирлик қилмайдиган кам миқдордаги суғурта мукофотлари ҳисобига энг катта зарарларни қоплаш имконияти туғилади. Зарарни вақтинчалик тақсимлаш суғурта ҳодисаси юз беришининг тасодифий ва эҳтимол тутилган характери билан боғлиқ. Суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисасининг юз бериши эҳтимоллиги, одатда бир йил доирасидан чиқади. Узоқ муддатли қайта тақсимлаш муносабатлари даврига зарарни тақсим қилишни тартибга солувчи сифатида захира фондларини ташкил этиш заруриятини шарт қилиб қўяди. Суғурта компанияси бўлғуси зарарларни

тўлаш имконига эга бўлиши учун тушган суғурта мукофотларининг бир қисмини захира фонд учун ажратиши зарур.

Суғурта фонди маблағларининг қайтиши, суғурталовчилар ўртасида зарарни чегараланган тақсимлаш тамойилидан келиб чиқади. Агар суғурта фондини ташкил этадиган суғурта мукофотлари маълум (туман, вилоят, республика) миқёсида бир суғурталанувчига тўғри келадиган юз бериш эҳтимоли бўлган зарарни тўғри ифода этса, суғурта мукофотларини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган бутун суғурта фонди ишини олиб боришда сарф харажатларини ҳисобга олмаганда, худди шу миқёсида ўша вақт мобайнида суғурта товонларини тўлаш учун ишлатилиши лозим. Бу давр тариф даври деб юритилади. Суғуртанинг хавф-хатар тури учун тариф даври одатда беш йилга, суғуртанинг жамғарма тури учун ўн йилга тенг муддатга қабул қилинади. Ушбу белги баъзи суғурталанувчилар томонидан суғурта шартномасининг амал қилиш даврида ўзларининг суғурта товони олишларидаги тегишли ҳуқуқи сифатида нотўғри талқин этилади. Бу кўриниб турган ҳатодир, чунки суғурта суммаси доирасидаги суғурта товони суғурталанувчига суғурта ҳодисаси содир бўлгандагина зарарни қоплаш учун тўланади.

Инсон ва жамият томонидан суғурта ҳимояси заруриятини англаб етиши, суғурта эҳтиёжларини шакллантирди, улар орқали иқтисодий муносабатлар юзага кела бошлади. Суғурта деганда жисмоний ёки юридик шахс кўрган зарарни кўпчилик ўртасида тақсимлаш орқали қоплаш усулига айтилади. Кўрилган зарар суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ихтиёридаги суғурта фондлари маблағлари ҳисобидан қопланади.

Суғурта фонди – суғурта мукофотлари ва суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятидан ажратилган маблағлардан шакллантирилган, ҳамда фақат суғурта товонини тўлаш учун фойдаланиладиган пул жамғармаси ҳисобланади. У суғурталовчининг молиявий мажбуриятини бажариш учун зарур бўлган захира фондларини ўз ичига олади.

Суғуртага бўлган эҳтиёж шу билан белгиланадики, зарарлар инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳодисалар оқибатида юзага келади. Бундай ҳолатда зарарни қоплашни бирор кимсадан талаб этиб бўлмайди ва ушбу зарар кўрган кишининг ўзи томонидан қопланади. Олдиндан ташкил этилган суғурта фонди кўрилган зарарни қоплаш манбаи бўлиши мумкин.

Суғурта қачонки суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатлар суғурта ҳодисалари юз бериши пулга бўлган талабни келтириб чиқарганда мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғурта таъминоти – суғурта учун қабул қилинган суғурта объектининг ҳақиқий қийматига суғуртавий баҳонинг нисбатидир. Кўрсатилган нархдан фоиз ҳисобида ифода этилади ёки бир суғурта объектига пул кўринишида меъёрлаштирилади. Суғурта таъминоти кўйидагича фарқ қилинади:

Суғурта таъминотининг нисбий тизими. Нисбий тизими суғурталанувчига кўрилган зарарнинг ҳаммаси эмас, балки бир қисми, яъни суғурта қилинган қисми тўланади. Бу бадал суғуртавий баҳолашга мувофиқ бўлади.

Суғуртавий баҳолаш – суғурта қилиш мақсадида суғурта объектлари нархини белгилаш жараёни. Суғурта шартларида келишилган суғуртавий баҳо суғурта объектининг ҳақиқий нархидан паст бўлиши мумкин, лекин бу унинг ҳақиқий қийматидан юқори бўлмаслиги керак.


Кўрилган зарарни бошқалар зиммасига юклатиш зарурияти орқали юзага келган суғурталаш, ўзининг кўп йиллик ривожланиш даврида кўп ўзгаришларга дуч келди ва ҳозирда фуқаролар ҳуқуқий жавобгарлиги муносабати билан кўрилган зарар келтирган шахсдан ундирилади. Бундай ҳолатларда зарар кўрган шахсга суғурталаш мулкӣ манфаатдорлигини ҳимоялашда қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади.

2. Жисмоний шахслар мулкани суғурталашда рискларни бошқариш услублари

Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш жараёнида рискларни аниқлаш, баҳолаш ва назорат қилиш, яъни рискларни бошқариш услубларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Рискни бошқариш - рискни чеклаш ёки камайтириш билан боғлиқ тадбирлар йиғиндиси. Амалиётда рискни бошқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1-чизма



Рискни аниқлаш, масалан ссуда олувчиларнинг ссудани ўз вақтида қайтариб бера олмаслик таваккалчилиги суғурталанади, риск даражаси аниқланади. Кредит олувчи шахснинг молиявий ҳолати қандай активларга эга эканлиги, лойиҳада ҳисоб-китоб қанчалик асосланганлиги ва ҳакозо.

Рискни баҳолаш - рискни ҳолатлари аниқланади, рискни содир бўлиш эҳтимолийлиги, актуар ҳисоб-китоблар, статистик кузатувлар, эҳтимоллар назарияси асосида баҳоланади ва суғурталанаётган объектга нисбатан риск даражаси аниқланиб суғурта тарифи ҳисобланади. Суғурта тарифининг ставкаси - бу риск баҳосидир.

Рискни назорат этиш - бу суғурта компаниясининг вакили томонидан суғурталанган объект ҳолатини, унинг сақланиш устидан кузатув ишларини олиб бориши. Шунингдек, унинг сақлаш хавфлилиги талабларига жавоб бериши текширилади. Қатор объектларни яхши сақлаш учун зарур тавсия ва маслаҳатлар берилади.

Рискни молиялаштириш - бу рискни аниқлаш, баҳолаш ва назорат этиш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплаш.

Рискларни рўй беришини олдини олиш, бартараф этиш ва камайтиришда уларни бошқариш алоҳида аҳамиятга молик. Юқорида қайд этганимиздек, рискларни бошқариш тизими чет мамлакатларда “риск-менежмент” номи билан машҳурдир. Рус олими И.Т.Балабановнинг фикрича “риск-менежмент молиявий менежментнинг бир қисмидир”¹. Риск-менежмент деганда, муайян рискни аниқлаш, башорат қилиш, олдини олиш ва уни камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Таниқли олим Н.В.Хохлов риск-менежмент ҳақида шундай ёзади: “Рискларни бошқариш – бу кўп поғонали жараён бўлиб, унинг асосий мақсади кўнгилсиз ходисалар рўй бериши натижасида объектга шикаст етганда кўрилган зарарларни қоплаш ва камайтиришдан иборат”². Рискларни бошқариш ёки бошқача айтганда риск-менежмент бир қанча босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

- Рискни таҳлил этиш.
- Рискларни таққослама самарадорлигини баҳолашда унга таъсир этувчи методларни танлаш.
- Қарор қабул қилиш.
- Рискка бевосита таъсир кўрсатиш.
- Назорат ва бошқарув жараёни натижаларини ихчамлаштириш.


Рискни таҳлил этиш риск-менежментда бошланғич босқич бўлиб, у риск хусусиятлари ва тузилиши тўғрисида муайян маълумот олиш имкониятини беради. Таҳлил натижасида олинган маълумотлар кейинги босқичларда рискни бошқариш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади.

Рискларни бошқариш босқичларини қуйидаги чизмада акс эттирамиз (2-чизмага қаранг).

¹ Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. - М.: “Финансы и статистика”, 1996 г. 41-б.

² Хохлов Н.В. Управление риском. – М.: “ЮНИТИ”, 2001 г. стр. 16.

Рискларни бошқариш босқичлари



Чизмадан кўриниб турибдики, рискларни таҳлил этиш уни аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Рискни аниқлаш жараёнида уни пайдо бўлиш сабаблари ва вужудга келишига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, рискнинг сифат жиҳатлари аниқланади. Рискни баҳолаш – бу аниқланган рискни миқдорий таснифлаш бўлиб, унда зарар кўриш эҳтимоли ва миқдorigа эътибор қаратилади. Рискни аниқлаш ва уни баҳолаш бир-бирга жуда ҳам яқин, уларни ажратиш мураккабдир. Амалиётда аксинча, риск аниқланмасдан аввал уни баҳолашга ўтилади. Кейинги босқичда рискка таъсир этиш усуллари ва услублари кўриб

чиқилади. Одатда, рискни камайтиришнинг бир нечта вариантлари ишлаб чиқилади ва қиёслаш асосида кўпроқ самара берадиган усул қўлланилади.

Ана шундай кейин бевосита қарор қабул қилинади ва рискка таъсир кўрсатилади. Рискка таъсир кўрсатиш жараёнини қуйидагича тасвирлаш мумкин.

3-чизма

Рискка таъсир кўрсатиш жараёни



Рискни камайтириш эҳтимол тутилган зарар миқдорини камайтириш ёки кўнгилсиз ҳодиса рўй бериш ҳолатини камайтиришни назарда тутди. Рискни сақлаш тижорат банкларида ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларда рискни бартараф этиш ёки камайтиришдан бутунлай воз кечишни англатмайди.

Рискни узатиш, ўз-ўзидан маълумки, ушбу риск учун жавобгарликни бошқа ташкилотларга беришдир. Жумладан, суғурта ташкилотлари

тегишли ҳақ эвазига жисмоний шахслар мулкларининг шикастланиши ва нобуд бўлишига олиб келувчи рискларини қабул қилиб олишлари ва улар учун жавоб беришлари мумкин.

Жисмоний шахсларнинг мулкига таъсир кўрсатувчи барча рискларни суғурта қилиш мумкинлигига қараб иккита йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

- Суғурталаниши мумкин бўлган рисклар;
- Суғурталаниши мумкин бўлмаган рисклар.

Жисмоний шахс ўз рискининг маълум бир қисмини бошқа бир ташкилотга юклаши мумкин. Масалан, муайян суғурта мукофоти тўлаш эвазига суғурта ташкилотларига тадбиркор рисдини узатиш имконияти мавжуд. Шундай қилиб, айрим рисклар, масалан, мулкнинг нобуд бўлиши рисқи, ёнғин содир бўлиш рисқи, авариялардан суғурта қилиш мумкин.

Суғурта рисқи – эҳтимол тутилган ҳодиса бўлиб, унинг содир бўлишидан суғурта қилинади.

Жисмоний шахслар мулкани зарар етказиш эҳтимоли бўлган қуйидаги рискларни суғурта ҳимоясига олиш мумкин:

- Ёнғин ва бошқа табиий офатлар содир бўлиши натижасида юзага келадиган эҳтимолдаги йўқотишлар;
- Автомобиль аварияси натижасида юзага келадиган эҳтимолдаги йўқотишлар;
- Уғирлик қилиш натижасида жисмоний шахслар уй-жойига етказиладиган зарарлар;
- Сув қувурларининг ёрилиши ёки шикастланиши натижасида юзага келадиган эҳтимолдаги йўқотишлар;
- Кўп қаватли уйларда сантехника ускуналариининг ишдан чиқиши натижасида юзага келадиган эҳтимолдаги йўқотишлар ва бошқалар.

Суғурталовчиларнинг фаолияти тижоратга асосланган, бинобарин, фойда олишга қаратилган экан, улар ҳар қандай рискларни суғуртага қабул

килавермайди. Бошқача сўз билан ифодалаганда, рисклар танланади. Рискларни танлаш - суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш - бу риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора - тадбирларнинг бир қисмидир.

3. Жисмоний шахслар мулкини суғурталашда андеррайтинг услублари

Жисмоний шахслар мулкини суғурталашда андеррайтинг сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, суғурта масалаларига бағишланган илмий адабиётларда, “Андеррайтинг” тушунчасига аниқ ягона тарифни учратиш қийин. Кўп жиҳатдан бу ҳолат, аввалом бор, чет эл амалиётида андеррайтингнинг суғурта муносабатлари тизимининг алоҳида таркибий қисми сифатида қаралиши билан боғлиқ. Бизнинг миллий суғурта амалиётимизда эса бу терминга етарли даражада эътибор берилмайди. Аммо, сўнги пайтларда миллий суғурта компанияларимиз томонидан андеррайтерлик сиёсатини суғурта бизнесининг алоҳида бўлинмаси сифатида ажратишга ҳаракатлар бўлмоқда. Демак, суғурта компаниясининг барқарор фаолият кўрсатишнинг ажралмас шarti ва суғурта фаолиятнинг мустақил соҳаси сифатида бу жараёни таҳлил этишга ҳаракатлар бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча, шу муносабат билан маҳаллий ва ҳорижий манбалар асосида “Андеррайтинг” тушунчасига берилган бир қатор тарифларни қиёсий таққослашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

С.Ефимовнинг фикрича андеррайтинг – бу:

1) Андеррайтер томонидан суғурта қилиш мақсадида рискларни баҳолаш.

2) Суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш.

3) Суғурта.

Суғурта терминлари луғатида қайд этилишича, андеррайтинг-рискларни таҳлил этиш жараёни; қуйидагиларни ўз ичига олган рискларни суғуртага қабул қилиш ёки қабул қилмаслик: уларни баҳолаш; суғурта ёки суғуртага боғлиқ бўлмаган рискларга ажратиш; суғурта қопламаси миқдори ва уларни тўлаш шартлари ва муддатлари; суғурта мукофотини ҳисоблаш.

Андеррайтинг- олдиндан эълон қилинган зарар ёки шикастланиш учун суғурта мукофотини олиш эвазига суғурта жавобгарлигини қабул қилиш. Одатда, бу жараён таклиф этилаётган риск ёки суғурта мукофотининг мақбул варианты аниқлангандан сўнг амалга оширилади.

“Бизнес луғат”да келтирилишича, “Андеррайтинг” деганда:

а) андеррайтер томонидан суғуртага қабул қилиш учун рискни баҳолаш.

б) Суғурта шартномаларини тузилиши ва ижро этилиши.

Андеррайтер - суғурта ҳуқуқи нормалари ва иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ тамойилларидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилган рискларни суғурта компанияси раҳбарияти томонидан суғуртага қабул қилиш, тариф ставкаларини аниқлаш ва бу рискларни суғурталаш бўйича шартноманинг аниқ шартларини белгилаш юзасидан катта ваколатга эга ва суғурта бизнеси соҳасида юқори малакага эга бўлган мутахассисдир. В.Шаховнинг ёзишича: “андеррайтер сюрвейер функциясини ҳам бажариши мумкин”.

Андеррайтинг- суғуртага қабул қилинаётган рискларни селекциялаш ва классификациялаш жараёни бўлиб, унда у ёки бу риск учун оптимал бўлган суғурта мукофоти ставкаси аниқланади. Шунингдек, бу жараён айрим маъқул бўлмаган рискларни суғурталашдан воз кечишни ҳам ўз ичига олади. Андеррайтинг- салоҳиятли суғурта қилдирувчи томонидан

тақдим этилган рискларни баҳолаш ва шу рискга мос келадиган суғурта мукофотини ҳисоблаш жараёни демакдир.

Андеррайтер- рискларни баҳолаш ва улар бўйича суғурта мукофоти ставкасини аниқлаш ва суғурталаш шартларини шакллантириш билан шуғулланувчи зарур профессионал билимга эга бўлган мутахассисдир. Бу термин Англиянинг суғурта амалиётида вужудга келган бўлиб, рискларнинг муайян бир қисмини ўзига қабул қилишни хоҳлаган ҳар бир шахс ушбу рискларнинг баёнига ўз имзоларини қўйганлар.

Андеррайтинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ахборотларни тўплаш.
2. Ахборотларнинг муқобил шакллари аниқлаш, кўриб чиқиш ва баҳолаш.
3. Муқобил вариантлардан бирини танлаш.
4. Қабул қилинган қарорни ҳаётга татбиқ этиш (Рискни суғуртага қабул қилиш).
5. Рискнинг ривожланишини кузатиш. Бу жараён аксарият ҳолатларда субъектив омилларга асосланади.

Юқорида келтирилган тарифларни таҳлил этиш натижасида андеррайтингнинг тор ва кенг маънодаги тарифини шакллантириш мумкин. Тор маънода андеррайтинг тушунчасини рискларни баҳолаш, уларни суғуртага қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳамда уларга мос келадиган тариф ставкасини аниқлаш жараёни тушунилади. Андеррайтинг тушунчасига кенг маънода тариф берадиган бўлсак, у қуйидаги жараёнларни ўз ичига қамраб олади:

-Рискларни селекциялаш, баҳолаш, класификациялаш ва таҳлил қилиш жараёни;

-Танлаб олинган рискларни суғуртага қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш жараёни (бу қарор асосида риск суғуртага қабул қилинмаслиги ҳам мумкин);

-Суғуртага қабул қилинаётган рисклар бўйича мос суғурта мукофоти ставкасини аниқлаш жараёни;

-Суғуртага қабул қилинаётган рисклар бўйича суғурта қопламаси шартларини аниқлаш жараёни;

-Суғуртага қабул қилинаётган рисклар бўйича суғурта қопламасининг шартларини аниқлаш жараёни;

-Тузилган суғурта шартномасини бажариш ва унинг мониторингини олиб бориш.

Шундай қилиб, турли илмий манбаларда “андеррайтинг” тушунчасига турлича тарифлар берилган бўлиб, уларни салбий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин эмас. Аксинча, бугунги кунда миллий суғурта компаниялари иш фаолиятида қарор топган ҳолатнинг натижасидир, холос. Вазият шундайки, “андеррайтинг” ва “андеррайтер” тушунчалари сўнгги вақтларда кескин ўзгарди. Бу аввало, янги ахборот ва мижозга йўналтирилган иқтисодий шароитларда суғурта компанияларининг яшаб қолишига қаратилган суғурта бизнесини қайта ташкил этиш билан боғлиқ фаол жараённинг натижасидир. Андеррайтинг суғурта компанияларининг тузилмавий ўзгаришларида рўй берган жараёнларнинг инъикосидир. Аммо, бу бўлинмаларнинг фақат андеррайтерлик функциясини бажаришига қаратилган бўлишига қарамай, улар суғурта шартномаларини тузиш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек суғурта маҳсулотларини сотиш ва суғурта даъволарини тартибга солишнинг айрим функцияларини бажаришга мажбур бўлмоқдалар. Миллий ва хорижий суғурта компанияларининг амалиётида андеррайтерлик бўлинмаларининг функцияларидаги бундай турли-туманлик мазкур бўлинманинг қиёфасини аниқ кўра олмаслик, пировардида, “Андеррайтинг” тушунчасини ҳар хил шаклда тарифлаш заруриятини келтириб чиқарди. Шундай бўлишига қарамай, “андеррайтинг” тушунчасига аниқ тариф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Андеррайтинг - суғуртага қабул қилинаётган рискларни таҳлил этиш жараёни бўлиб, у ўз ичига суғурта рискларини селекциялаш, баҳолаш, классификациялаш ҳамда у ёки бу рискларни суғуртага қабул қилиш ва унга мувофиқ келувчи тариф ставкаси ва суғурталаш шартлари тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнини англатади.

Андеррайтинг тушунчасига бундай тарифнинг берилиши, унинг моҳиятини ўзида акс эттиради ва шу билан бир қаторда, бугунги кунда андеррайтер томонидан унга хос бўлмаган функцияларни бажаришдан чеклайди.

Шундай қилиб, андеррайтер рискларни таҳлил қилиш жараёнида рискларнинг барча турлари ичидан шундай рискларни танлайдики, бу рисклар суғурта компанияси томонидан суғуртага қабул қилинади. Кейин у дастлабки селекция даврида танлаб олинган рискларни чуқур таҳлил этади. Бундан асосий мақсад келгусида бу рисклар билан ишлашни давом эттириш ҳисобланади. Рискларни ўрганиш ва таҳлил этишдан сўнг андеррайтер уларнинг рўй бериш даражасига мувофиқ ҳамда суғурта компанияси учун кутилган эҳтимол зарарлар ҳажмидан келиб чиқиб классификациялайди. Танлаб олинган рискларни бундай классификациялаш кейинчалик суғурта шартлари, тариф ставкалари ва франшиза тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Андеррайтинг жараёнида рисклар таҳлил этилгандан сўнг энг муҳим босқич бошланади. Бунда андеррайтер конкрет рискни суғурталаш ёки эҳтимолдаги зарарлар қанчалик катта бўлиши ва компания манфаатини кўзлаб бу рискни суғурталашдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Таъбир жоиз бўлса, бу босқич андеррайтингнинг энг муҳим босқичидир. Айнан, шу қарорга асосан суғурта компаниясининг бизнеси ривожланади ва фаолиятнинг молиявий натижалари ойдинлашади. Андеррайтингнинг якуний босқичи шартноманинг аниқ шартларини шакллантириш, тариф ставкаси ва франшизани аниқлаш жараёнидан иборат. Бундай ҳолатда андеррайтер тайёрланаётган шартноманинг техник

параметрларини аниқлайди ва суғурта компанияси ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгилайди ҳамда келгусида тушиши мумкин бўлган суғурта мукофотлари ҳажмини аниқлайди.

Энди “андеррайтинг” тушунчасига аниқлик киритиб бўлдик ва шу сабабли унинг моҳиятини атрофлича қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида келтирилган тарифлардан маълумки, ўзининг профессионал функциясини бажариш давомида андеррайтер бажарадиган асосий тушунча риск билан боғланган. Айнан, риск суғурта компанияси фаолиятининг асосини ташкил этади. Андеррайтер суғурталаш учун тақдим этилган аризаларни кўриб чиқишда рискни баҳолайди. Фақат, суғурта компаниясига мижоз ўтказмоқчи бўлган рискларни ўрганиб чиққандан сўнг, у ёки бу риск суғурта қилиниши мумкинми?, - деган саволга жавоб беради.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, жисмоний шахсларнинг мулкани суғурталашда андеррайтинг сиёсати муҳим ўрин тутди. Андеррайтинг сиёсатини амалга оширувчи андеррайтер жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича рискларни ўрганиб чиққандан сўнг уни суғуртага қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида суғурталовчи менежментига таклиф беради.

I боб бўйича хулоса

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, соғлиги ва даромадларини йўқотиш, суғурта рисклари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари, барча фуқароларнинг мол-мулки ва даромадларини суғурта ҳимоясига олиш – суғуртанинг иқтисодий моҳиятини белгилаб беради. Кўп асрлик суғурта тарихи шуни исботлаб бердики, суғурта фаолияти иқтисодиётга ижобий таъсир этувчи энг муҳим омиллардан биридир. Бундан ташқари суғурта ташкилотлари томонидан шундай фаолият амалга ошириладики, бу

суғурта ҳодисасини олдини олиш ишларидир. Олдини олиш ишлари ўз ичига, суғурта ҳодисалари сони ва ундан келадиган зарарларни камайтириш мақсадида амалга ошириладиган ишлар, яъни суғурта объектини доимий мониторинг қилиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш киради. Шу сабабли, суғурта нафақат суғурталанган мулкни хавфсизлигини таъминлашини, балки суғурта ҳодисаларини рўй беришини камайтиришга ва фуқаролар хавфсизлигини яхшилашга ёрдам беришини исботлаб берди.

II боб. Ўзбекистонда жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг замонавий ҳолатини таҳлили

1. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартномасини тузиш ва ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартиби қуйидагича бўлади:

- суғурта шартномаси томонларнинг келишувига биноан бир йил ва ундан кўп муддатга тузилиши мумкин.

- суғурта шартномаси, агар унда бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан кучга киради.

Суғурталовчининг жавобгарлиги, агар суғурта шартномасида бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

Мулкни суғурталаш бўйича шартнома тузилаётганда суғурталовчи ва суғурталанувчи қуйидагилар бўйича битимга келишлари керак:

- суғурта объекти бўлган мулк ёки бошқа мулк қизиқиш;
- суғурта ҳодисасининг таснифи ҳақида /шундай ҳодисанинг таснифи ҳақида келишиб олинади, ушбу воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй беришидан суғурта қиланади

- суғурта суммасининг миқдори ҳақида;
- суғурта қопламасининг миқдори ҳақида, агар шартномада суғурта қопламасини суғурта суммасидан кам бўлган миқдорда тўланиши кўрсатилган бўлса;

- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари);

- суғурта шартномасини амал қилиш муддатлари ҳақида.

Суғурта шартномаси бўйича мулк, унинг сақланишида суғурта шартномасига асосланган қизиқиши бор суғурталанувчи ёки манфаатдор, унинг мулкдори, мол-мулкка бошқа мулкый ҳуқуқи бор шахс, ижарачи, пудратчи, сакловчи, даллол ва бошқалар фойдасига суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи ва манфаатдор шахсда суғурталанган мол-мулкни сақлашда манфаат бўлмаса, тузиладиган суғурта шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Манфаатдор шахс фойдасига тузилаётган суғурта шартномаси манфаатдор шахснинг исми ёки номланиши кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай суғурта шартномасининг тузилишида суғурталанувчига кўрсатувчи эгалик қиладиган суғурта полиси берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш учун суғурталовчига ушбу полис тақдим этилиши керак. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи шартномада кўрсатилган ҳодиса (суғурта ҳодисаси) юз берганда суғурталанувчига ёки бошқа шахсга (манфаатдор) тўланган суғурта мукофоти эвазига кўрилган зарарни шартномада кўрсатилган суғурта суммаси чегарасида қоплаб бериш мажбуриятини олади.

Суғурта шартномаси ёзма равишда, бир ҳужжат тузиш билан ёки суғурталанувчининг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи томонидан имзоланган суғурта полисини топшириш орқали амалга оширилади. Томонларнинг келишувига кўра шартномага бошқа шартлар киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида суғурталанувчи қонунда белгиланган ҳолатларга нисбатан ҳолатини ёмонлаштирадиган шартлар бўлса, бундай ҳолларда шартнома шартлари ўрнига қонунчиликнинг мувофиқ ҳолатлари ишлатилади. Суғурта шартномасини тузишда, ҳамда тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган барча шартномаларда суғурта объектига тегишли, суғурталанувчи ўзига маълум бўлган суғурта ҳодисасини содир бўлиши эҳтимолини ва унинг содир

бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар ҳажмини аниқлашда аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар ҳақида суғурталовчига маълум қилиши керак. Аҳамиятли ҳолат деб суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мулки қуйидаги рисклардан суғурталаниши мумкин:

- ички сантехник тизимларнинг ишдан чиқиши - суғурталанган мулкни сув крани, канализация, иситиш ва ёнғинга қарши тизимлардан чиққан сув таъсирида зарарланиши ёки йўқ бўлиб кетиши кўзда тутилади.

Суғурта қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сув, канализация, иситиш тизимларининг қувурлари музлаганда ёки ёрилиши натижасида мулкка етказилган зарар (ёрдамчи ишлар ва эритиш ишлари учун харажатлар ҳам инобатга олинади);

- қўшни хоналардан сувнинг сизиб кириши;

- ёнғин - очик олов шаклидаги ёнғин назарда тутилади;

- портлаш - газ ва парларнинг кенгайишига асосланган босимнинг емирувчи кучи кўриниши;

- зилзила - ер силкинишлари билан кузатиладиган ер остида содир бўладиган табиат ҳодисаларининг натижаси;

- сув тошиши - дарё ва кўллардаги сув сатҳининг кўтарилиши натижасида маълум бир ҳудудни сув босиб кетиши;

- бўрон (довул) - тезлиги 15м/с дан юқори бўлган кучли шамол. Тезлиги 15,3 дан 29м/с ни ташкил қиладиган шамол - бўрон, тезлиги 29 м/с дан ортиқ бўлган шамол довул.

Суғурталовчи довул натижасида суғурталанган мулкнинг зарарланганлиги учун суғурта қопламасини тўлайди, агар зарарланиш қуйидагилар натижасида бўлса:

- шамолнинг бевосита таъсири;

- бўрон таъсирида суғурталанган мулк устига бинонинг айрим қисмлари, дарахтлар ёки бошқа жисмларнинг тушиб кетиши.

Суғурталанган объектга бўрон натижасида етказилган зарар.

- дўл - дўлнинг бевосита таъсири натижасида суғурталанган мулкнинг йўқ бўлиши ёки зарарланиши.

-ўғирлик - яшаш уйи ёки бинога қонунга зид ҳолда кириб суғурталанган мулкни яширинча ўғирлаш.

-талончилик - қўлга олиш ёки зулм ўтказган ҳолда суғурталанган мулкни очик ўғирлаш.

- учинчи шахсларнинг қонунга зид бўлган ҳаракатлари.

-ернинг чўкиши, ўпирилиши - ўзининг оғирлик кучи таъсирида тоғ жинсларининг жойидан силжиши. Ер чўкишлари ва ўпирилишлари қўл, дарё, сой қирғоқлари, жар ёқалари, чуқурликлар, каналларнинг кескин қияликларида вужудга келади.

-сел - оз вақт ичида кўп миқдорда ёғингарчиликлар бўлиши, қорларнинг тез эриши натижасида қўл ва дарёлардаги сувнинг кескин кўтарилиши оқибатида юзага келувчи кучли оқим.

- чақмоқ уриши.

- жала.

- қувур ости сувларининг чиқиши.

- учувчи аппаратларнинг қўлаб тушиши.

- мазкур ҳудуд учун ноанъанавий бўлган узоқ вақт давом этган ёмғирлар ва/ёки қорнинг кўп миқдорда ёғиши.

Қуйидагилар натижасида содир бўлган воқеалар суғурта ҳодисаларига қирмайди:

- суғурта шартномасида бошқа шартлар келтирилмаган бўлса суғурта объектига қирмаган мулкнинг ташқи электр ўтказгичлар, жумладан устунлар, мачталар ва турли ҳил тўсинларнинг зарарланиши;

- суғурталанувчи ёки манфаатдорнинг суғурта ҳодисаси бўлишга олиб келадиган қасддан содир этган ҳаракатлари;

- суғурталанувчи ва/ёки унинг оила аъзоларининг токсик захарланиш, наркотик ёки алкоголь таъсирида бўлгандаги ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари);

- мулкнинг ўзидан-ўзи ёниб кетиши, чириши ёки бошқа табиий хусусиятлари;

- мулкнинг ўғирланиши, учинчи шахсларнинг қасддан содир этган қонунга зид бўлган ҳаракатлари натижасида мулкнинг зарарланиши, агар бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат этилмаган ёки тегишли органлар томонидан бу факт тасдиқланмаган бўлса;

- қирчумоли (термит), куя, паразитлар ва бошқа ҳашоратлар, яширин дефектлар, табиий эскириш, замбуруғлар, моғор, атмосфера намлиги ва ҳоказолар таъсирида мулкнинг зарарланиши;

- ойна ёки бошқа тез синувчи, мўрт жисмларнинг урилиши натижасида мулкнинг зарарланиши, рангини ўзгариши;

- дераза ёки эшикларнинг очиқ қолиши натижасида уй анжомларига зарар етиши;

- уруш ёки уруш ҳаракатлари, инқилоб, қўзғолон, ғалаён, иш ташлаш, ҳукуматни қонунга зид равишда қўлга киритиш, суиқасд, фитна, террористик ҳаракатлар натижасида мулкнинг зарарланиши, вайрон бўлиши, ҳукумат органларининг топшириғи билан мулкни мусодара, реквизиция қилиниши, ядро реакцияси, ядро нурланиш ёки радиоактив захарланиш;

- суғурта шартномасида кўрсатилмаган бошқа ҳодисалар.

Жисмоний шахслар мулки қуйидаги ҳолларда суғурталанмайди:

- яшаш ман этилган авария ҳолатидаги бино ва иншоотлар ва/ёки бузишга мўлжалланган иншоотлар;

- бино, иншоот эгаси мазкур ҳудудда истиқомат қилмаса ва ушбу иншоот керакли назорат остида бўлмаса, белгиланган мақсадда ишлатилмаса;

- санъат усталари, хонаки косиблар томонидан уйда ясалган жиҳозлар;

- суғурталанувчининг шахсий мулки ёки ташкилотга тегишли бўлишидан қатъий назар, суғурталанувчининг уйида жойлашган ва ташкилот томонидан ёллаб ишлаш учун мўлжалланган механизм ва асбоб-ускуналарни;

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги мулклари билан одатда оммавий суғурта шартномалари тузилмайди:

қимматбаҳо металлاردан, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо (рангли) тошлардан ясалган буюмлар;

портловчи моддалар;

ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, чек дафтарчаси ва қоғоз пуллар, кўлёмалар;

коллекциялар (маркалар, тақвимлар, этикеткалар, тангалар, кўкрак нишонлари, ўсимликлар, минераллар ва бошқалар);

нодир асарлар ва буюмлар (дунёда ягона ёки ноёб бўлган ўтган замон ва замонавий рассомларнинг санъат асарлари ва бу асарларнинг қимматбаҳо нусхалари);

транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари, ускуналари ва бошқа тегишли нарсалари.

Жисмоний шахсларнинг мулки суғуртасида суғурта тарифлари бир йил муддатга қуйидагича белгиланади:

яшаш уйлари ва бинолари учун суғурта суммасининг йиллик 0,25 дан 2,0 фоиз чегарасида;

Суғурталанувчининг қай даражадаги таваккалчиликка йўлиққанлиги билан боғлиқ бўлган ҳолда уй мулки учун суғурта суммасининг йиллик 0,25 дан 2,0 фоиз чегарасида. Суғурта тарифи суғурта шартномасининг айрим шартлари, таваккалчилик даражаси, суғурталаш муддати билан боғлиқ бўлган ҳолда кўтарилиши ёки пасайиши мумкин.

Жисмоний шахслар мулки суғуртасида қуйидаги ҳолларда суғурта шартномаси тугатилади:

- ҳар иккала томон хоҳлаган вақтда суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга, бунда мўлжалланган бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин иккинчи томон сўнгги манзили бўйича, ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

- амал қилиш муддати тугаганда;
- шартнома бўйича суғурталовчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган бўлса;
- бир томоннинг талабига биноан шартноманинг бекор қилиниши;
- суғурталовчи суғурталаш қоидаларига амал қилинмаганда суғурталанувчининг талабига биноан бекор қилиниши;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахсни - суғурталанувчини ёки суғурталовчини фаолиятини тўхтатиш;
- Суғурталанувчининг ўлими (жисмоний шахс), агар учинчи шахс суғурталанувчининг мажбуриятларини ўз бўйнига олмаса;
- суд қарорига биноан суғурта шартномасини бекор қилиниши;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Суғурта шартномаси амал қилиш муддати тугагунга қадар тўхтатилади, агар у кучга киргандан сўнг суғурта ходисасидан ташқари, бошқа баъзи сабабларга кўра суғурта таваккалчилиги ёки суғурта ходисаси содир бўлиши эҳтимолининг йўқолиши, жумладан: суғурта ходисасидан ташқари суғурталанган мулкнинг йўқ бўлиши. Бунда суғурталовчи шартнома амал қилган муддатга мутаносиб равишда суғурта мукофотининг бир қисмини ушлаб қолишга ҳақлидир.

Суғурталанувчи (манфаатдор шахс) томонидан муддатидан аввал суғурта шартномаси тугатилганда суғурталовчига тўланган суғурта

мукофоти қайтарилмайди, агар шарномада бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса.

Агар суғурталанувчининг ёлғон маълумотлари асосида суғурта шартномасидаги суғурта суммасининг оширилгани аниқланса, суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва кўрган зарарларини қоплаш мақсадида суғурталанувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти миқдоридан кўпроқ миқдорда тўлов талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар суғурта шартномаси тузилганидан сўнг суғурталовчига суғурталанувчи томонидан шарт-шароитлар ҳақида атайлаб ёлғон маълумотлар берилган бўлса суғурталовчи шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахслар мулки суғуртасида фуқаролар қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар:

- суғурта муддати давомида суғурта масалалари бўйича суғурталовчидан маслаҳатлар олишга.
- суғурта ходисаси юз берганда суғурталовчидан суғурта қопламасини олишга.
- суғурта ходисаси юз берганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиши мумкин.
- барча мулкини ва алоҳида объектларни қўшимча суғуртаси қилишга.
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ёки ўзгартиришлар киритишга.
- суғурталовчини огоҳлантирган (мажбурий) ҳолда муддатдан аввал бекор қилишга.

Ушбу суғурта шартномасида суғурталанувчининг қуйидагиларга мажбур:

- суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта мукофотини тўлашга.

- суғурта объекти ҳақида суғурталовчига тўлиқ ва аниқ маълумотлар беришга.

- суғурта объектини кўриб чиқишга имконият яратишга.

- суғурталовчига барча аҳамиятга эга бўлган таваккалчиликдаги ўзгаришлар ҳақида хабар беришга. Бу ўзгаришлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- суғурталанган мулкни бошқа шахсга ўтиши ёки мулкни гаровга, ижарага бериш (харидорнинг, гаровни қабул қилувчи, ижарачининг номланиши ва манзилгоҳини кўрсатган ҳолда);

- мулкни бошқа жойга олиб ўтиш, қурилма ва иншоотларни қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ёки уларни бошқа мақсадларда ишлатиш;

- ишлаб чиқаришни тўхтатиш ёки уни ўзгартириш;

- зарар қопланиши ёки қопланмаслигидан қатъий назар мулкни зарарланиши ёки йўқ бўлиши;

- суғурталанган иншоатда ёки унинг ёнида ёнғиндан ҳавфли ёки портловчи моддаларни сақлаш ва ҳоказо;

- бўлиб ўтган воқеа ҳақида зудлик билан масъул ташкилотларга хабар бериши;

- содир бўлган воқеа юзасидан жиноий иш кўзғатилганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишни судга оширилганлиги ҳақида тергов органлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг нусхасини тақдим қилишга;

- шикастланган мулкни кўриб чиқишга имконият яратиб бериши ёки шикастланган қисмларни суратга ёки видео тасвирга олиб бериши керак;

- суғурталанган мулкнинг ҳолатини ҳамда суғурталанувчи томонидан суғурталанган мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни тўғрилигини шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида текширишга суғурталовчига имконият яратиш.

Суғурталовчи қуйидагиларга ҳақли:

- шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида суғурталанган объектнинг аҳволи ва қийматини ҳамда суғурталанувчи томонидан суғурталанган мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни тўғрилигини текширишга.

- Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчининг хабар беришини кутмасдан суғурта ҳодисаси оқибатида кўрилган зарарларни баҳолаш ва кўриб чиқишга киришиш.

- Суғурта ҳодисаси юз берганда таваккалчилик даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга.

- Суғурта ҳодисаси содир бўлгани ва сабабларни тасдиқловчи керакли ҳужжатлар ва тўлиқ маълумотга эга бўлмагунча, ҳамда воқеа содир бўлгани юзасидан жиноий иш қўзғатилганида тегишли органлар томонидан шу ишга алоқадор қарорлар қабул қилишгунга қадар суғурта қопламасини тўлаш муддатини узайтиришига.

- Агар суғурта таваккалчилиги даражасини ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларини ўзгартириши мумкин.

- Суғурта ҳодисасини юз бериш эҳтимолини камайтиришга қаратилган огоҳлантирув тадбирларини ўтказишга ва тегишли маблағлар билан таъминлашга.

Ушбу суғурта турида суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

- Суғурта шартномаси тузилган суғурта қоидалари асосида, суғурта қоидалари билан таништириб чиққан ҳолда суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта полисини беришга.

- Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз бергани тасдиқланганда ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта қопламасини тўлашга. Суғурта қопламасини тўлаш муддатлари ҳар бир алоҳида ҳодисада суғурта шартномасидаги шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

- Суғурта қопламаси тўланмайдиган бўлса, тўламаслик ҳақида қарор қабул қилинганидан бошлаб 15 кун ичида суғурталанувчини хабардор қилишга.

- Суғурталанувчи ва манфаатдор шахслар билан бўлган муносабатларда сирлилиқни таъминлашга.

Жисмоний шахслар мулкани суғуртасида суғурта қопламасини тўлаш тартиби ва шартлари:

- Суғурта шартномасига асосан, суғурталанувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида билганидан сўнг, дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши керак. Агар шартномада суғурта ҳодисаси юз берганини ҳақида хабар қилишнинг муддати ва усуллари кўрсатилган бўлса, у ҳолда суғурталанувчи хабар қилишни шартномада белгиланган муддат ва усулда амалга ошириши керак. Худди шундай мажбурият манфаатдор шахсга ҳам юклатилади, агар у унинг фойдасига тузилган шартнома юзасидан суғурта қопламасига даъво қилиш ҳуқуқидан фойдаланса. Ушбу мажбурият бажарилмаса суғурталовчи суғурта қопламасини тўламасликка ҳақлидир, агар суғурталовчини суғурта ҳодисаси ҳақида ўз вақтида хабардор қилингани ёки суғурталовчида бундай маълумотларни йўқлиги уни суғурта қопламасини тўлаш мажбуриятидан озод қилинмаслиги ҳолатлари исботланса.

Суғурталанувчи суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатилиши лозим:

- суғурта ҳодисасининг баёни ва санасини;
- Суғурталанувчининг суғурта ҳодисаси юз бергандаги ҳаракатлари;
- Суғурталанувчининг суғурта ҳодисасининг баёнидан келиб чиққан ҳолда зарар ҳажмини ва талаб қилаётган суғурта қопламасини миқдори, суммаси кўрсатилган ҳолда;
- учинчи шахслардан олинган компенсация миқдори;

Суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурталанувчи кутилаётган зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чоралар қабул қилиши мажбур. Зарарлар ҳажмини камайтириш мақсадида суғурталанувчи томонидан қопланадиган ҳаражатлар, агар бу ҳаражатлар ҳақиқатда зарур ёки суғурталовчининг топшириғига биноан қилинган бўлса, бу ҳаракатларнинг самараси бўлмаган бўлса ҳам суғурталовчи томонидан албатта қопланиши зарур. Бу ҳаражатлар суғурта қийматини суғурта суммасига нисбатига пропорционал тарзда, бошқа зарарларни қопламаси қўшган ҳолда суғурта суммасидан ошиб кетишидан қатъий назар қопланади.

Суғурта қопламасини тўлаш суғурталанувчининг зарарни қоплаш ҳақидаги ёзма аризасига ҳамда вазият талаб қиладиган тегишли ташкилот ва органларнинг ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Суғурталанувчи томонидан суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар қилинганидан сўнг суғурталанувчи, суғурталовчи ва зарур бўлганда тегишли органлар вакилларида иборат комиссия тузилади.

Ҳар хил турдаги табиий офатлар содир бўлганда - Гидрометеорология хизмати, Сейсмостанциядан олинган маълумотномалар асосида;

Ёнғин содир бўлганда - Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг маълумотномаси асосида суғурта қопламалари тўланади;

Суғурта қопламалари тўлашда ушбу сўралган маълумотлар тегишли ташкилотлардан бепул тақдим этилиши шарт.

Канализация, иситиш, сув қузури тизимларининг аварияси, қўшни хоналардан сувни сизиб чиқиши, портлаш натижасида ёнғин содир бўлмаганда - уй коммунал бошқармаси(ширкат)нинг маълумотномаси;

Суғурталанган мулкни ўғирлашга уринган ҳолда ўғирлаш - суғурталанувчи томонидан кўрсатилган ўғирланган, зарарланган, йўқ бўлиб кетган мол-мулкларнинг рўйхати мажбурий илова қилинган ҳолда тергов органларининг тегишли қарорлари.

Суғурта ҳодисаси суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда юз бергани тасдиқланганда, комиссия томонидан шикастланишларнинг сабаби ва ҳажми, шикастланиш ва йўқотишларнинг суммасини, ҳамда томонларнинг далолатномаси орқали қайд қилинадиган, тўланиши керак бўлган суғурта қопламасининг суммасини аниқлайди. Ушбу далолатнома суғурталовчининг суғурталанувчига суғурта шартномасида белгиланган муддатда қопламани тўлашга асос бўлиб хизмат қилади. Агар томонлар зарарнинг сабаби ва ҳажми юзасидан ўзаро келиша олишмаса, у ҳолда мустақил экспертиза ўтказилади.

Суғурта қопламаси суғурта суммасидан кам миқдорда тўланган суғурта шартномаси, шартномадаги ва тўланган суғурта қопламаси ўртасидаги фарқ миқдорида муддати тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади. Агар зарар зарар сабабчиси томонидан бутунлай қопланган ёки суд қарорига биноан унинг зиммасига юклатилган бўлса, у ҳолда суғурталанувчи суғурта қопламасига даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Агар суғурталанувчи ёки манфаатдор шахс зарар сабабчиси ёки учинчи шахслардан қоплама олган бўлса, суғурталовчи фақатгина сабабчи шахс ёки учинчи шахс томонидан тўланган қоплама билан суғурта шартларига мувофиқ тўланиши керак бўлган сумма ўртасидаги фарқни тўлайди.

Агар мулкнинг йўқ бўлиши ёки шикастланиши жиноят натижасида содир бўлган ва бу жиноятни содир этган шахс устидан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у ҳолда суғурталанувчига суғурта қопламаси, айбдор шахсга берилган даъво регресси суд томонидан жиноий иш кўрилатганда кўриб чиқиш мумкинлигини эътиборга олган ҳолда тергов олиб борилаётган ёки тугаган даврда тўланиши мумкин.

Зарарланган мол-мулк бутунлай йўқ бўлиб кетганда қоплама миқдори унинг рўйхатда кўрсатилган ҳақиқий қиймати ёки унинг алмаштирилгандаги қиймати билан чегараланади. Шу билан бирга умумий суғурта қоплама миқдори умумий суғурта суммасидан ёки суғурта

шартномасида кўрсатилган ҳар бир пунктдаги жавобгарлик лимитидан ошиб кетмаслиги керак.

Жисмоний шахсларнинг иморатлари суғуртасида суғурта ходисаси содир бўлганда уйнинг таъмирлаш нархи, пардозлаш ишлари ва жихозлашни, деворлар, поллар, эшик ва дераза ромларини бўёклашни ҳисобга олган ҳолда зарар ҳисобланади.

Агар суғурта шартномасида кўрсатилган бўлса, суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган франшиза суммасини ҳисобга олган ҳолда қопламани тўлаб беради. Агар мурожаатни текшириш пайтида мулкни зарарланиши ёки йўқ бўлиши суғурта ходисаси натижасида содир бўлмаганлиги аниқланган ёки ўз вақтида хабар берилмаганлиги оқибатида мулкнинг зарарланганлиги ва зарарланишнинг сабабларини аниқлаш мумкин бўлмаган бўлса суғурта далолатномаси тузилмайди. Бунда суғурталовчи ва суғурталанувчи томонидан фақатгина кўрсатиб ўтилган далолатномани тузилмаганлик сабаблари кўрсатиб ўтилган ҳужжат тузилади.

Суғурталанувчига махсус китобда рўйхатга олинган тўлашни рад этиш сабаблари кўрсатилган ёзма билдиришнома юборилади. Билдиришноманинг иккинчи нусхаси ариза, фақатгина далолатномани тузилмаганлиги сабаблари кўрсатиб ўтилган ҳужжат ва бошқа керакли ҳужжатлар билан бирга сақланади.

Суғурталовчининг суғурта қопламасини тўламаслик ҳақидаги рад жавоби суғурталанувчига ёки манфаатдор шахсга улар томонидан суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаб бериш ҳақидаги мурожаатидан бошлаб 15 кун ичида хабар берилиши керак ва унда рад этишнинг сабаблари кўрсатилган бўлиши керак. Суғурталовчининг суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаб беришни рад этиши судга даъво аризасини бериш йўли билан норозилик билдириши мумкин.

Агар мол-мулк суғуртаси шартномасида бошқа ҳолат кўрсатилмаган ҳолда, суғурталаш натижасида қопланган, суғурталанувчининг

(манфаатдор шахсинг) зарар келтирган шахсга бўлган даъво ҳуқуқи, суғурта қопламасини тўлаган суғурталовчига у тўлаган сумма чегарасида ўтади. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, атайлаб зарар келтирган шахсга даъво қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини инкор қилувчи суғурта шартномасидаги шарт кучга эга эмасдир. Суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқи, суғурталанувчи (манфаатдор шахс) ва зарар келтирган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи қоидаларга амал қилинган ҳолда амалга оширилади.

Суғурталанувчи (манфаатдор) суғурталовчи томонидан унга (суғурталовчига) ўтган даъво ҳуқуқини амалга ошириш учун унга маълум бўлган барча маълумотлардан суғурталовчинини хабардор қилиши ва барча ҳужжат ва далилларни тақдим этиши шарт. Агар суғурталанувчи (манфаатдор шахс) зарар учун жавобгар шахсдан суғурталовчи томонидан тўланган даъво ҳуқуқидан воз кечса ёки унинг айби туфайли даъво қилишни иложи бўлмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламасликка ва тўланган суғурта қопламасини ортиқча қисмини қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Суғурталанувчиларнинг яшаш уйи табиий офат натижасида оммавий бутунлай йўқ бўлиб кетганда ёки зарарланганида суғурталовчи томонидан далолатнома тузиш ва зарарни қоплаб бериш муддатлари узайтирилиши мумкин, фақат икки ойдан ошмаган ҳолда.

Жисмоний шахслар мулкини суғуртасида қуйидаги бошқа шартлар ҳам кўзда тутилади:

- агар суғурталанувчи қайта ташкил қилинса, унинг суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисига ўтади ва бу ҳақида суғурталанувчи суғурталовчинини ёзма равишда огоҳлантиради.

- учинчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини топшириш томонларнинг ёзма розилигисиз амалга оширилмайди.

- Ҳар бир суғурта шартномасига ҳар бир суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган ҳар бир зарар ёки ҳамма зарарлар бўйича

франшиза/шартли франшиза қўлланилади. Франшиза миқдори томонлар билан келишилади ва суғурта шартномасида кўрсатилади.

- Томонлар форс-мажор ҳолатларида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларни қисман ёки бутунлай бажарилмаслиги учун жавобгар эмаслар.

- Форс-мажор ҳолатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, оммавий чиқишлар, давлатлараро ва давлат ташкилотларининг чеклов ва тақиқлов чоралари, суғурта шартномаларида кўрсатилмаган табиий офатлар.

- Форс-мажор ҳолатлари юз берганда ёки тугаганда томонлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантиришлари керак.

- Форс-мажор ҳолатлари юз берганда томонларнинг ўз мажбуриятларни бажариш муддатлари форс-мажор ҳолати давом этган муддатга тенг муддатга узайтирилади.

- Ушбу қоидада кўрсатилмаган барча бошқа саволлар бўйича, томонлар Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка асосланишади.

Агар суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлган бўлса, у ҳолда низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

2. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартларининг солиштирма таҳлили

Маълумки, ҳар қандай суғурта турининг қоидалари, мажбурий суғурта турларидан ташқари, суғурта ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Суғурта қоидаларини, шу жумладан, жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларини ишлаб чиқишда суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўрсатилган суғурта қилишнинг стандарт шартларига асосланади. Бирок,

суғурта амалиётида жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидалари суғурта ташкилотларида турлича мазмунда ишлаб чиқилади. Шу нуқтаи назардан, “Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компанияларининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидалари мисолида суғурта шартномаси шартларини солиштирма таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб, “Суғурта фаолияти классификатори”нинг 8-класси доирасида жисмоний шахслар мулкани суғурталаш объектини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

**“Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта ташкилотларининг
жисмоний шахслар суғуртаси бўйича объектларнинг солиштирма
таҳлили¹**

“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта ташкилоти	“Капитал суғурта” суғурта ташкилоти
Жисмоний шахсларнинг мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган мулкый манфаатлари.	Мулкнинг нобуд бўлиши, шикастланиши ва йўқолиши натижасида шартнома фойдасига тузилган шахснинг мулкни тасарруф этиши, ундан фойдаланиши билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган мулкый манфаатлари.
Жисмоний шахсларга хусусий мулк сифатида тегишли бўлган уй-жойлар, жумладан ижарага берилган уй-жойлар.	“Мулк” сифатида жисмоний шахсга хусусий мулк ёки бошқа қонуний асослар бўйича тегишли бўлган қуйидаги кўчмас ва кўчар мулклар тушунилади:
-Яшаш учун мўлжалланган уй ва	

¹ “Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта ташкилотларининг суғурта қоидалари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

иншоотлар, ички ва ташқи пардозлари билан бирга хўжалик бинолари, уй-жойларнинг муҳандислик ускуналари; -жисмоний шахсга тегишли бўлган бошқа мулклар (уй ва ёрдамчи хўжаликни юритиш учун зарур бўлган жиҳозлар).	а) квартира ёки унинг айрим хоналари, пардоз элементлари ва бошқа асбоб-ускуналар; б) уй-жой жиҳозлари; в) электр маиший ускуналар, мураккаб аудио-, видео, электрон техникалар; г) мусиқа, ўлчов ва оптик жиҳозлар; д) спорт ва овчилик жиҳозлари; е) бошқа мулклар.
---	--

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, “Капитал суғурта” суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартларида уйдаги жиҳозлар аниқ кўрсатилган.

Ушбу компаниянинг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларида суғурталанувчига тегишли бўлган қуйидаги мулклар томонларнинг келишувига биноан алоҳида битим асосида суғурта ҳимоясига олиниши мумкин.:

а) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маҳсулотлар;

б) расмлар, картиналар, ҳайкаллар, маркалар коллекцияси, тангалар коллекцияси ва бошқа санъат асарлари.

Ушбу шартлар “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларида мавжуд эмас.

“Капитал суғурта” суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларида қуйидагилар суғуртага қабул қилинмаслиги хусусида қайд этиб ўтилган:

а) нақд пул шаклидаги сўмлар ва чет эл валюталари;

- б) акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар;
- в) кўлёмалар, чизмалар ва бошқа ҳужжатлар;
- г) компьютер ва шунга ўхшаш тизимларнинг маълумотларини сақловчи ускуналар, жамладан, магнит ленталари, аудио ва видеокассеталар, дисклар, хотира блоклар ва бошқалар;
- е) портловчи моддалар;
- ж) транспорт воситалари;
- з) уй ва қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари;
- и) авария ҳолатида ва қурилиш арафасида турган уй-жойлар;
- к) озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари.

Тўғри, суғурта ташкилотларининг бирортаси портловчи моддаларни суғуртага қабул қилмайди. Аммо, жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари “Суғурта фаолияти классификатори”нинг 3-класси (ер усти транспорт воситаларини суғуртаси) бўйича суғурталаниши мумкин.

Энди, жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидалари асосида суғурта жавобгарлиги ҳажмларини солиштирма таҳлил қиламиз.

Жадвалдан кўриниб турибдики, “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларида суғуртага қабул қилинадиган рискларнинг рўйхати тўлиқ келтирилган.

Бундан ташқари, ушбу компаниянинг суғурта шартлари “Капитал суғурта” суғурта компаниясининг шартларидан шуниси билан ажралиб турадики, унда ҳар бир рискга атрофлича тавсиф берилган. Бу ҳолат суғурта қилдирувчилар учун жуда қулай ҳисобланади.

“Капитал суғурта” суғурта компаниясининг қоидаларига биноан жисмоний шахслар мулкани суғурталаш фақат ёнғин, яшин уриши ва газ портлаши доирасида амалга оширилади. Аммо, алоҳида битимга мувофиқ суғурта шартномасига қуйидагилар натижасида мулкнинг нобуд бўлиши ва зарарланиши билан боғлиқ суғурта жавобгарлиги киритилиши мумкин:

**“Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компанияларининг
жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларида рисклар бўйича
суғурта жавобгарлиги ҳажмининг солиштирма таҳлили¹**

“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси	“Капитал суғурта” суғурта компанияси
1. Ички сантехника тизимининг ишдан чиқиши. Ушбу риск бўйича суғурталовчи жавобгарлиги қуйидагиларга тааллуқли бўлади: сув таъминоти, канализация, иссиқлик тизими трубаларининг музлаши ёки ёрилишидан кўриладиган зарарлар. 2. Қушни бино ва хонадонлардан сув оқиши натижасида етказиладиган зарарлар. 3. Ёнғин. 4. Портлаш. 5. Зилзила. 6. Сув тошқини. 7. Бўрон (тезлиги 15м/с дан юқори бўлган кучли шамол. Шамолнинг тезлиги 15,3 м/с дан 29 м/с гача бўлса, бу ҳолат бўрон дейилади. Агар шамолнинг тезлиги 29 м/с дан юқори бўлса ураган дейилади).	1. Ёнғин. 2. Яшин уриши. 3. Маиший эҳтиёжлар учун ишлатиладиган газнинг портлаши, бунинг натижасида ёнғин пайдо бўлмаган тақдирда ҳам. Агар бу ҳолат суғурта полисида алоҳида кўрсатилган бўлса, у ҳолда суғурталовчи суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлганда уни олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳудудни тозалаш ва биноларни бузиш бўйича харажатларни ҳам қоплайди. Томонлар ўзаро келишган ҳолда алоҳида келишувга мувофиқ мулкнинг қуйидагилар содир бўлиши натижасида нобуд бўлиши ва шикастланишидан кўрилган зарарларни ҳам қоплаши мумкин:

¹ “Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта ташкилотларининг суғурта қоидалари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурталовчи суғурталанган мулкга тегишли суғурта копламасини тўлайди, қачонки, ушбу мулк бевосита шамол таъсирида ёки бўрон туфайли бино, иншоотлар бир қисми, дарахт ёки бошқа предметларнинг қўлаши натижасида нобуд бўлган ёки шикастланган бўлса. 8. Дўл. 9. Уғирлик. 10. Босқинчилик. 11. Учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари. 12. Ер кўчиши. 13. Сел. 14. Яшин уриши. 15. Кучли жала. 16. Ер ости сувларининг кўтарилиши; 17. Ернинг захлаши; 18. Учувчи мосламаларнинг қулаши. 19. Ушбу жой учун одатий бўлмаган ёмғирнинг узоқ вақт ёғиши ёки кучли қор ёғиши.	а) зилзила, бўрон, ураган, жала, сув тошқини, вулқон отилиши ва бошқа стихияли офатлар; б) иситиш қозонлари, газ ўтказгичлар, сиқилган газ ёки ҳаво орқали ҳаракатга келадиган машина ва аппаратлар, ускуналар.
---	---

а) зилзила, бўрон, ураган, жала, сув тошқини, вулқон отилиши ва бошқа стихияли офатлар;

б) иссиқлик қозонлари, газ ўтказгичлар, сиқилган газ ва ҳаво орқали ишлайдиган машина ва аппаратлар.

Таъкидлаш лозимки, одатда, жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидаларида шундай рисклар рўйхати келтириладики, улар бўйича суғурталовчи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Буни суғурта тилида умумий истиснолар дейилади. Ушбу тушунчанинг муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, уни юқорида кўрсатилган “Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компанияларининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидалари мисолида солиштирма таҳлил қиламиз.

3-жадвал

“Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компанияларининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидалари асосида истисноларнинг солиштирма таҳлили¹

“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияс	“Капитал суғурта” суғурта компанияси
Агар ҳодиса қуйидагилар натижасида содир бўлган бўлса, суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди: - суғурта объектидан ташқарида жойлашган мулклар, ташқи электр симлари, электр сими тортилган столба, шунингдек турли тўсиқларга етказилган зарарлар; -суғурта қилдирувчи ёки наф олувчининг қасддан қилинган ҳатти-ҳаракатлари; -суғурта қилдирувчи ёки унинг оила аъзоларининг гиёҳванд модда ёки спиртли ичимлик таъсиридаги	Қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисалари сифатида тан олинмайди: -ҳар хил даражадаги уруш ҳаракатлари, фуқаролик урушлари ва унинг оқибатлари, халқ кўзғолонлари, иш ташлашлар, мулкларни давлат ихтиёрига мусодара қилиш, ҳарбий ёки фуқаролик ҳокимиятларининг топшириғига асосан мулкларга шикаст етказилиши ёки уларни йўқ қилиниши;

¹ “Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта ташкилотларининг суғурта қоидалари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ҳолатда мулкка етказилган зарарлар; -мулкнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, чириши ёки бошқача шаклдаги табиий эскириши; -учинчи шахсларнинг қасддан қилинган ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари натижасида мулк ўғирланган, нобуд бўлган ёки шикастланган бўлса, бу ҳақда мутасадди ташкилотларга хабар берилмаган бўлса ёки улар томонидан ушбу вақеа тасдиқланмаган бўлса; -паразит, термит ва бошқа зараркунандалар таъсирида, яширин дефектлар, табиий эскиришлар ва атмосфера намгарчилиги натижасида мулкка етказилган зарарлар; -ойнанинг синиши ёки бошқа ўткир тўғли жисмлар таъсири натижасида мулкка етказилган зарарлар; -уруш ва ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганидан қатъий назар), инқилоб, қўзғолон, иш ташлашлар, ҳокимиятнинг зўравонлик билан эгалланиши, ўзаро тил бириктириш, террорчилик ҳаракатлари, мусодара қилиш,	-ҳар қандай шаклдаги ядро энергиясининг таъсири; -суғурта қилдирувчи, уни оила аъзоларининг атайин хатти-ҳаракати; -суғурталанган мулкнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, чириши ва бошқа табиий емирилишлар; -иншоотлар ёки уларнинг бир қисмини қўлаб тушиши; -мулк ҳуқуқи асосида суғурта қилдирувчига тегишли бўлмаган (суғурта полисида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари) мулкнинг шикастланиши ёки нобуд бўлиши; -суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар билан шартнома муносабатларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар; -суғурта қилдирувчи (манфаатдор шахс)нинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, лавозим ва идоравий йўриқномалар, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари, мулкдан фойдаланиш бўйича кўрсатма ва муддатларига риоя этмаслик билан боғлиқ фаолияти.
---	---

давлат ҳокимияти органларининг кўрсатмасига биноан бино ёки уй-жойнинг бузилиши ёхуд зарарланиши, ядро реакцияси, ядро ёки радиактив нурланиш натижасида мулкга етказилган зарарлар; -суғурта шартномасида қайд этилмаган бошқа барча ҳолатлар.	
---	--

Суғурта ташкилотларининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича умумий истиснолар рўйхати солиштирма таҳлил этиш натижалари иккала суғурталовчида ҳам истиснолар деярли фарқ қилмаслигини кўрсатди.

Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартларига суғурта суммаси миқдорларини аниқлаш тартиби ҳам киради. Шу жиҳатдан, бизнинг фикримизча, “Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компаниясида жисмоний шахслар мулкани суғурталашда суғурта суммаси миқдорларини аниқлаш тартибини солиштирма таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

4-жадвал

“Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компанияларида жисмоний шахслар мулкани суғурталашда суғурта суммаси миқдорларини аниқлаш тартибининг солиштирма таҳлили¹

“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси	“Капитал суғурта” суғурта компанияси
Суғурта суммаси миқдори	Суғурта суммаси шартномага

¹“Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта ташкилотларининг суғурта қоидалари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

суғурталовчи ва суғурта килдирувчининг ўзаро келишувига асосан аниқланади ва суғурта шартномасида ўз аксини топади. Мулкни суғурталашда, агар шартномада бошқа шартлар кўрсатилмаган бўлса, суғурта суммасининг миқдори мулк жойлашган жойда ва шартнома тузилаётган вақтда унинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги керак. Суғурта қиймати деганда суғурта шартномаси тузилаётган пайтда тарафларнинг келишувчига асосан аниқланадиган суғурта манфаати билан боғлиқ мулкнинг қиймати тушунилади. Бино ва иншоотнинг қиймати уларни қуриш ёки сотиб олишга сарфланган харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Уй-жой биносининг пардозлаш билан боғлиқ қиймати ушбу бинони пардозлаш учун сарфланган харажатлар асосида ҳисобланади. Қурилиш (пардозлаш) харажатлари ўз ичига қурилиш (пардозлаш) материалларини сотиб олиш ва бажарилган ишлар қийматини олади.	мувофиқ белгиланади. Мулкни суғурталашда тегишли шартнома тузилаётган пайтда суғурта суммаси мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги лозим. Агар мулкни суғурталаш бўйича шартномада суғурта суммаси унинг ҳақиқий қийматидан паст даражада тузилган бўлса, у ҳолда суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта килдирувчига зарар миқдори суғурта қийматининг суғурта суммасига мос даражадаги қисми қопланади. Суғурта суммаси ҳар бир объект ва риск бўйича алоҳида белгиланиши мумкин. Суғурта суммаси сўмда ва АҚШ долларида белгиланиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисоб-китоблар Марказий банк курси бўйича амалга оширилади. Суғурта шартномасида тарафлар франшиза қўллашлари мумкин. Шартли франшизада суғурталовчи зарар миқдори франшиза миқдоридан ошмаса зарарни қопламаслик ҳуқуқига эга бўлади. Агар зарар миқдори белгиланган
--	---

Иншоотларнинг қийматини баҳолаш, томонларнинг ўзаро келишувида бошқача шартлар ўз ифодасини кўзда тутилмаган бўлса, курилиш материаллари ва бажарилган ишлар ҳажмининг амалдаги нарзлари асосида амалга оширилади. Намунавий уй-жойлар ва иншоотлар қиймати суғурталовчи томонидан умумий жой ҳажмининг 1,0 кв.метр бозор нархи асосида ҳисобланади. Мулкнинг суғурта шартномасида кўрсатилган қиймати, кейинчалик, асоссиз ўзгартирилиши мумкин эмас, агар суғурталовчи мулкни шартнома тузишдан олдин баҳолаш бўйича ҳуқуқидан фойдаланмаган ва у мулк қиймати бўйича атайин адаштирилган бўлса. Зарурият бўлганда тарафларнинг келишувига мувофиқ суғурта даври мобайнида мулкнинг суғурта қиймати қайта баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолатда мос равишда суғурта суммаси ҳам қайта кўриб чиқилади ва тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти қайта ҳисоб-китоб қилинади.	франшиза миқдорида ошиб кетса, у ҳолда суғурталовчи зарар миқдорини тўлиқ тўлайди. Шартсиз франшизада эса суғурталовчи белгиланган фоиз доирасида зарарни қопламасликка ҳақли. Суғурталовчи томонидан қопланиши лозим бўлган зарарни камайтириш бўйича суғурта қилдирувчининг харажатлари, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки суғурталовчининг топшириғини бажариш бўйича амалга оширилган бўлса, суғурталовчи томонидан қопланади. Бундай харажатлар суғурта қийматининг суғурта суммасига нисбатан фоиз ҳисобида тўланади.
---	--

Амалга оширилган таҳлиллар, “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси ва “Капитал суғурта” суғурта компанияси томонидан жисмоний шахслар мулкани суғурталашда белгиланадиган суғурта суммаси миқдорларини аниқлаш услублари бир-биридан фарқ қилишини кўрсатди. Масалан, “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартларида намунавий уй-жой қийматини ҳисоблашда суғурталовчи умумий қийматнинг 1,0 кв.метри бозор қийматидан келиб чиқиши маълум бўлди. Аммо, “Капитал суғурта” суғурта компанияси жисмоний шахслар мулкани суғуртасини ҳам сўмда, ҳам АҚШ долларида амалга ошириши маълум бўлди. Бундай ҳолатда ҳисоб-китоблар Марказий банк курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, солиштира таҳлил натижалари “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш шартлари “Капитал суғурта” суғурта компаниясининг тегишли суғурта шартларидан анча фарқ қилади. Яъни, “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича шартлари кенг ва тушунарли тарзда баён этилган. Бу ўз навбатида, суғурта қилдирувчилар учун қулай ҳисобланади.

3. Ўзбекистонда жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг ҳозирги замон тенденцияларини таҳлили

Мулк тушунчаси кенг ва кўп қиррали тушунча ҳисобланади. Республикада мулкчилик муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади. Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулк асосан ҳаёт учун зарур уй-рўзғор, шахсий ва бошқа истемол буюмларидан иборат оила мулки таркибида шаклланади. Таркибий жиҳатдан уни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Оилага тегишли умумий мулк (уй-жой, иморат, уй-рўзгор, ёрдамчи хўжалик буюмлари). Бу мулк барча оила аъзоларига хизмат қилади.

2. Ҳар бир оила аъзосининг фақат ўзига тегишли шахсий мулки.

3. Уй шароитида яқка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларга тегишли ишлаб чиқариш воситалари ва қуроллари.

Айтиб ўтилгандан ташқари, оила аъзоларининг банкларда сақланаётган омонат маблағлари, акциялари ва бошқалар ҳам оила мулки ҳисобланиб, кўрсатилган гуруҳлардан бирига киради.

Субъектларга тегишли мулкларни суғурта ходисаларидан сақлашда уларни суғурталаш муҳим аҳамиятга эгадир. Кўрсатилган мулк шакллари мулк эгалари орқали суғурталаш мулкрий суғурта деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 915 – моддасида мулкрий суғурта шартномасига қуйидагича таъриф берилган:

“Мулкрий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ходисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахсининг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ходиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкрий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма(суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкрий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

Муайян мол-мулкнинг йуқотилиши(нобуд булиши), кам чиқиши ёки шикастланиши ҳавфи.” Мулк ҳуқуқий ва фуқаролар эгалик қиладиган моддий неъматлар, бойликлардир.

Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга булган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф


олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

Наф олувчи фойдасига мол- мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур.

Жисмоний шахслар мулки суғуртасининг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган мулкка эгалик қилиш, ишлатиш ва бошқариш юзасидан вужудга келган мажбуриятларнинг мулкый манфаатлари ҳисобланади. Бу ерда суғурталанувчилар муомалага лаёқатли бўлган фуқаролар бўлиб, суғурта шартномасидаги ўзининг ёки учинчи томоннинг манфаатларини суғурталовчи томон. Суғурта шартномасига биноан суғурталанувчи суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олганлиги учун суғурта мукофотини тўлаб бериши керак.

Жисмоний шахслар мулкни суғурталаш мулк суғуртасининг таркибий қисми ҳисобланади. Сўнги ўн йил мобайнида Ўзбекистон суғурта бозори бўйича йиғилган умумий суғурта мукофотлари ҳажмида мулк суғуртасининг улуши юқориликча қолмоқда. Бундай ҳолатни суғурта компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2013 йил якунлари бўйича компания миқёсида тўпланган жами суғурта мукофотларининг 35,0 фоизи мулк суғуртасига тўғри келади. Қуйидаги диаграммада ушбу кўрсаткич янада ёрқинроқ намоён бўлади.




1-расм. “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари таркибида мулк суғуртасининг салмоғи (фоизда)¹

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича келиб тушган жами суғурта мукофотлари таркибида мулк суғуртасининг улуши 35,0 фоизни ташкил этган. Агар буни рақамларда ифодаладиган бўлсак, 10541,1 млн.сўм миқдорида мулк суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари келиб тушганлигини кўрамыз.

Мулк суғуртаси бўйича келиб тушган умумий суғурта мукофотларининг 72,3 фоизи гаровга қўйилган мулк ва юридик шахслар мулкини суғурталашга, 6,9 фоизи қурилиш-монтаж рискларини суғурталашга, 20,8 фоизи эса жисмоний шахслар мулкини суғурталашга тўғри келади. Баён этилганларни қуйидаги расмда тасвирлайдиган бўлсак, мулк суғуртаси бўйича келиб тушган жами суғурта мукофотлари

¹ “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг 2013 йил ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

таркибида жисмоний шахслар мулкани суғурталаш унчалик катта улушга эга эмаслиги маълум бўлади.



2-расм. 2013 йилда “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясида мулк суғуртасининг таркиби¹


Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, 2013 йилда “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича мулк суғуртасидан келиб тушган жами суғурта мукофотлари таркибида гаровга қўйилган мулкни суғуртаси катта улушга эга. Яъни, гаровга қўйилган мулкни суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари жами суғурта мукофотларининг 61,3 фоизини ташкил этган. Ушбу суғурта мукофотлари таркибида жисмоний шахсларнинг гаровга қўйилган мулкани суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳам ўрин олган. Бироқ, аниқ статистик маълумотларнинг етарли эмаслиги бу борада аниқ хулоса чиқариш имкониятини бермайди.

¹ “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг 2013 йил ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Расмдаги маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 2013 йилда компания миқёсида келиб тушган мулк суғуртаси бўйича жами суғурта мукофотларининг 20,8 фоизи жисмоний шахслар мулкани суғурталаш турига тўғри келади.

Маълумки, аҳоли билан суғурта муносабатларини ўрнатишда Ўзбекистон суғурта бозорида “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бунга асосий сабаб компаниянинг мамлакатимизнинг деярли барча ҳудуд ва туманларида филиаллари мавжуд. Сўнги йилларда компания Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта мукофотлари тушуми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Хусусан, 2013 йил якунлари бўйича компания томонидан жами 61653,6 млн.сўм миқдорида суғурта мукофотларини тўплаган бўлиб, унинг 33357,8 млн.сўми ёки 54,1 фоизи аҳоли суғуртасига тўғри келади. Ана шу сумманинг 7268,9 млн.сўми жисмоний шахслар мулкани суғуртасига тўғри келади. Буни қуйида келтирилган расм маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Расмдаги маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясида аҳоли суғуртасини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Зеро, мазкур компаниянинг республикаимизнинг барча минтақалари ва туманларида филиаллари мавжуд бўлиб, аҳоли кенг қатламига суғурта хизматлари, шу жумладан жисмоний шахслар мулкани суғурталаш хизматларини кўрсатиш имкониятига эга. Таҳлил этилаётган йилларда аҳоли суғуртаси билан бир қаторда жисмоний шахслар мулкани суғурталаш ўсиш суръатларини намоён этган. Масалан, 2013 йилда аҳоли суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари миқдори 33,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 4,9 млрд.сўмга ёки 117,2 фоизга кўпдир.



3-расм. “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясида аҳоли суғуртаси таркибида жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг улуши динамикаси (млрд.сўм)¹

Шунингдек, жисмоний шахслар мулкани суғурталашда ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган. 2011 йилда ушбу суғурта тури бўйича компания томонидан 5,0 млрд.сўм миқдорида суғурта мукофотлари тўпланган бўлса, 2013 йилга келиб жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича 8,4 млрд.сўм миқдорида суғурта мукофотлари тўпланган.

2013 йилда “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан аҳоли суғуртаси бўйича жами 4189,1 млн.сўм миқдорида суғурта товон пуллари тўланган. Агар ушбу кўрсаткични 2012 йил маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак, ўсиш 762,3 млн.сўмни ёки 122,2 фоизни ташкил этган.

¹ “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг 2013 йил ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



4-расм. “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясида аҳоли суғуртаси бўйича тўланган суғурта товлари таркибида жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича тўланган суғурта товларининг улуши (млн.сўм)¹

Бирок, таҳлил этилаётган йилларда жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича тўланган суғурта товлари миқдорида нотекис ўсиш кўрсаткичлари кузатилган. Масалан, 2012-2013 йилларда 2011 йилга нисбатан суғурта товлари пуллари тўлашда ўсиш намоён бўлган. Аммо, 2013 йилда 2012 йилга нисбатан жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича тўланган товлари пуллари миқдори 86,3 млн.сўмга камайган. Албатта, бунинг сабаб кўп омилларга боғлиқ. Биринчидан, жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича суғурта ҳодисалари сони ўтган йилга нисбатан кам бўлган бўлиши мумкин. Иккинчидан, суғурта ҳодисаси содир бўлган бўлса ҳам уни суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмишида муаммолар мавжуд. Чунки, суғурта қилдирувчи ҳодиса содир бўлгандан кейин шартномада кўрсатилган муддатда, одатда,

¹ “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг 2013 йил ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

уч кун ичида бу ҳақда суғурталовчи ҳабар қилиши шарт. Мобода, шартномада кўрсатилган муддатдан кечикиб суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурталовчи ҳабар берса, суғурталовчи суғурта товон пулини тўлашдан бош тортишга ҳақлидир.

II боб бўйича хулоса

Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг асосий шартлари, жумладан, суғурталовчи ўз жавобгарлигига қабул қиладиган рисклар ва уларнинг моҳияти очиқ берилди. Суғурта шартномаси бўйича суғурта тарифи асосида суғурта мукофотларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тўхталиб ўтилди. Жисмоний шахслар мулкани суғурталашда иштирок этадиган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилди.

“Кафолат” ва “Капитал суғурта” суғурта компаниялари мисолида жисмоний шахслар мулкани суғурталаш қоидалари солиштира таҳлил этилди. Масалан, суғурта объекти, суғурта жавобгарлиги ҳажми ҳамда шартномаларда қўлланиладиган умумий истиснолар таҳлил этилди.

III боб. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш самарадорлигини ошириш йўллари

1. Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг хорижий тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари

Жисмоний шахслар мулкани суғурталашнинг халқаро амалиётида қуйидаги сабабларга кўра юзага келган зарарлар қопланади:

1. Ёнғин, яшин уриши, портлаш, зилзила, ер юза қисмининг чўкиши. Ушбу бўлимда ёнғин содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган риск ҳисобланади, аммо баъзан яшин уриши ва портлашлар сони кўпаяди. Масалан, сўнги йилларда маиший мақсадларда фойдаланиладиган газнинг чиқиши натижасида портлаш ҳолатларининг рўй бериши кузатилаяпти. Зилзила содир бўлиши оқибатида юзага келган зарарлар, фақат, сейсмик жихатдан хавфли бўлган жойлардаги суғурталанган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишда ҳудуднинг сейсмологик ҳолати қанчалик ҳисобга олинганлиги суғурта қилдирувчи томонидан исботлаб берилган тақдирдагина суғурта қопламаси тўлаб берилади. Суғурта шартномасини тузишда суғурта қилдирувчи суғурталовчи вакилига суғуртага қабул қилинаётган кўчмас мулк ва уни қандай материаллардан қурилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Агар, уй-жойнинг ёнғин содир бўлишига олиб келувчи материллардан фойдаланган ҳолда қурилганлиги маълум бўлса, суғурталовчи тариф ставкасини оширади.

2. Авиаҳалокатлар ёки ҳаво кемасидан қандайдир предметларнинг уй-жой устига қулаб тушиши. Ушбу риск суғурталовчи томонидан аэропорт ҳудудига яқин бўлган жойлардаги уй-жойларни суғуртага қабул қилишда суғурта полиси шартларига киритилади.

3. Дарахт ёки уни қисмларининг қулаб тушиши.

4. Бўрон, довул, жала, дўл, ер ости сувларининг ҳаракати, сел ва сув тошқини. Аксарият ҳудудлар сел ва сув тошқини натижасида зарарланади. Шунингдек, суғурталанган бино ичига ёмғир, қор, дўлнинг очиқ қолган эшик ёки дераза орқали кириши натижасида қўрилган зарарлар суғурталовчи томонидан қоплаб берилмайди. Эшик ёки деразанинг кучли шамол, довул юз бериши туфайли очилиб кетиши оқибатида бино ичига қор, ёмғир, дўлнинг кириши натижасида етказилган зарарлар бундан мустасно.

5. Иссиқлик, канализация ва сув таъминоти тизимларидаги авариялар. Жисмоний шахслар мулкни суғурталаш полисига ушбу рискнинг киритилиши ушбу тизимларнинг бузилиши, ёрилиши, ишдан чиқиши натижасида мулкка етказилган зарарни қоплаш имкониятини беради. Бундан ташқари, иссиқлик, канализация, сув таъминоти тизимларидаги авариялар натижасида бинонинг пардоз қисмига етказилган зарарлар ҳам қопланади. Бироқ, суғурталанган уй-жойда ҳеч ким яшамаётган бўлса, юқорида қайд этилган рискнинг содир бўлиши оқибатида етказилган зарарлар қопланмайди.

6. Мойли иситиш қурилмалари ва приборларидан мойнинг чиқиши. Суғурта қилдирувчи ариза-анкетани тўлдиришда суғуртага қабул қилинаётган объект тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади. Бунда у иситиш мосламаларида ишлатилаётган мойнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот тақдим этиши лозим.

7. Тўқнашиш. Уй-жойларни суғурталаш полисига ушбу рискнинг киритилиши суғурта қилдирувчи мулкига ер усти транспорт воситаларининг тўқнашиши, қишлоқ жойларда эса йирик шохли қорамол ва отлар томонидан уй-жойларга етказилиши эҳтимоли бўлган рисклардан ҳимоялайди.

8. Босқинчилик ёки вандализм. Суғурта ташкилотлари ушбу рискни суғурта полисидан олиб ташлайди ёки франшиза белгилайди. Шунингдек,

суғурталанган объектда ҳеч ким истиқомат қилмаса, у ҳолда суғурта қопламаси миқдори камаяди.

9. Уй-жой ойнасининг тасодифан синиши. Бундай ҳолатда суғурталовчи деразанинг синган ойнаси, хоналараро эшиклардаги ойналарнинг синиши билан боғлиқ зарарларни қоплаб беради. Агар, суғурта қилинган уйда бир ойдан ортиқ даврда ҳеч ким яшамаган бўлса, суғурта қопламаси миқдори камайтирилиши мумкин.

10. Иссиқлик, совуқ сув ва канализация ҳамда уй-жойлар ўртасидаги электр кабель симларининг тасодифан шикастланиши.

11. Телевизион ва радио антенналарининг бузилиши. Бундай ҳолатда бевосита уй-жойга етказилган зарар қоплаб берилади. Телевизион ва радио антенналарига етказилган зарар уй-жой суғуртаси полиси асосида қоплаб берилади.

12. Мулк эгасининг жавобгарлиги. Ушбу рискнинг эътиборли жиҳати шундаки, уй-жой эгасининг учинчи шахсларга зарар етказиш бўйича жавобгарлиги суғурта полиси таркибига киритилади. Агар, суғурта ҳодисаси уй эгаси ҳудудида содир бўлиб, учинчи шахсга зиён етса, у ҳолда суғурта қилдирувчи жабрланувчига катта миқдорда зарарнинг ўрнини қоплаши лозим бўлади.

13. Учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари.

14. Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин уни тиклаш бўйича архитекторлар, авария комиссарлари ва бошқаларнинг иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатлар. Бунга суд харажатлари ҳам киритилади. Шунингдек, суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳудудни тозалаш харажатлари ҳам суғурталовчи томонидан қоплаб берилиши мумкин. Мулкка хавф солиш ҳолатлари юзага келганда уни бўлақларга ажратган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш харажатлари ҳам суғурталовчи томонидан қоплаб берилади.

Уй-жойларни суғурталаш полиси, аксарият ҳолатларда, бир қатор рискларни ҳисобга олмайди. Суғурталовчи томонидан қопланмайдиган бундай рискларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- уй эгаси яшамаётган уй-жойларнинг музлаши натижасида кўрилган зарарлар, бунда суғурта қилдирувчи томонидан ушбу рискни олдини олиш бўйича чоралар кўрилган ҳолатлар мустасно;

- сув бассейnlари, причалларга қор ёки музнинг оғирлиги натижасида етказилган зарарлар;

- бинонинг бир қисмида қурилиш ишлари тугалланмаган ҳолатда қурилиш материалларининг уғирланиши;

- термитлар таъсири натижасида кўрилган зарарлар;

- хайвонлар ва зараркунандалар таъсирида кўрилган зарарлар;

- ҳарбий ҳаракатлар, терроризм натижасида кўрилган зарарлар.

Агар ушбу ҳолатлар суғурта шартномасининг шартларида алоҳида кўрсатилмаган бўлса, портловчи моддаларнинг портлаши натижасида кўрилган зарарлар қопланмайди. Портловчи модда деганда портлаш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган ва ўзидан катта миқдорда иссиқлик ва газ ажратиш хусусиятига ҳамда қисқа муддатда кимёвий реакцияга кирадиган кимёвий бирикма тушунилади.

Суғурта полисига у ёки бу рискларни киритиш ёхуд киритмасликнинг сабаби суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича давлат органлари қонун-қоидалари, ҳудудларнинг иқлим, географик ва сейсмологик шарт-шароитларига боғлиқ.

Одатда, суғурта шартномасини тузишдан олдин бино, уй-жой, иншоотни суғурталаш бўйича таклифларни ўз ичига олган ариза тўлдирилади. Аризада суғурталанаётган объектни тавсифловчи қатор қоидалар мавжуд бўлади. Барча бандлар бўйича суғурта қилдирувчи аниқ ва ишончли маълумотларни суғурталовчига тақдим этиши шарт. Аризанинг асосий таркибий қисми қуйидагиларни ўз ичига олади: уй-жойнинг плани, тавсифи ва баҳоси. Аризани суғурта қилдирувчи

имзолайди ва маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади. Мобода, суғурталовчи суғуртага қабул қилинган мулк бўйича суғурта рискани баҳолашда катта аҳамиятга эга бўлган ҳолат бўйича нотўғри маълумот берган бўлса, у ҳолатда суғурталовчи зарарни қоплашдан озод этилади.

Йирик объектларни суғурталашда, суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган аризадаги маълумотлар билан чекланиб қолмайди, балки ушбу объектни чуқур ўрганиш учун ўзининг вакилини жўнатади. Суғурталаш жаарёнида мулкнинг қиймати ва уни тиклаш қиймати муҳим аҳамиятга эга. Агар, узоқ вақт давомида мулкнинг ўртача қиймати кам ўзгарган бўлса, суғурта суммасини аниқлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Инфляция даражаси юқори суръатлар билан ўсаётган шароитда мулкнинг қийматини аниқлаш мураккаб ҳисобланади. Инфляцияни ҳисобга олишда суғурта суммасини қайта кўриб чиқишгача бўлган вақт баҳоланади. Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин уни тиклаш қиймати вақти ҳам ҳисобга олинади. Энг қулай вариантлардан бири тиклашнинг бутун даври мобайнида умумий смета қийматининг 50 фоизи миқдорида қўшимча тўлов амалга оширилиши ҳисобланади.

Уй-жойни суғуртага қабул қилишда уй-жойнинг қурилиш хусусиятлари билан бир қаторда ёнғиннинг қўшни бинолардан ўтиш эҳтимолини ҳам ҳисобга оладилар. Бундан ташқари, уй эгасининг шахси, эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ рискни ҳам эътиборга олади. Бундай субъектив омилни инобатга олмасдан илож йўқ. Тажрибанинг кўрсатишича, уй-жойларнинг ёқиб юборилиши шахс омилига ҳам боғлиқ. Шу боис, уй-жойни суғуртага қабул қилишда суғурта қилдирувчининг молиявий ҳолатига, унинг ўз мулкига бўлган муносабатига аниқлик киритилади.

Суғурта қилдирувчи, шартнома тузар экан, зарарни қоплашда ўзи ҳам иштирок этишга ҳақлидир. Бу суғурта тилида франшиза дейилади. Франшиза миқдори ва умумий суғурта суммасига қараб суғурта ташкилоти

суғурта қилдирувчи тўлайдиган суғурта мукофотларига чегирма жорий этиши мумкин.

Ҳар бир иншоотни баҳолаш бўйича маълумотлар суғуртавий баҳолаш варағига ёзиб борилади. Бунда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- иншоотдан қайси мақсадларда фойдаланиш (яшаш, омборхона, сарой ва бошқалар);
- иншоотнинг қайси йили қурилганлиги;
- фундамент, девор ва том қисми қайси материаллардан қилинганлиги;
- ҳақиқий ҳисоб-китоб бўйича иншоот ўлчови;
- жорий ҳолатдаги иншоотнинг баҳоси;
- иншоотнинг эскириш суммаси;
- эскириш суммаси чегирилгандан кейинги иншоотнинг баҳоси (суғурта суммаси).

Иншоотни баҳолаш кўрсаткичларини танлашда ушбу жойда қўлланиладиган кўрсатмалар ва меъёрларга таянилади. Агар, иншоот ўзининг конструктив хусусиятлари билан типовой шаклидаги ҳолатидан фарқ қилса у ҳолда ушбу объектга нисбатан устама ёки чегирмалар қўлланилади.

Суғурта шартномаси ҳар қандай муддатга тузилиши мумкин. Бироқ, шартнома асосан бир йил муддатга тузилади. Суғурта шартномаси муддати тугашига оз қолган даврда суғурталовчи суғурта қилдирувчига амалдаги шартномани узайтириш ёки қайтадан тузиш бўйича таклиф тақдим этади. Амалдаги тартибга кўра, суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта муддатини купайтириш ёки янгидан шартнома тузишга имтиёзли давр, яъни муддат тугаган бўлишига қарамай, илгари тузилган шартнома амалда бўлиб туради. Юридик жиҳатдан ушбу имтиёзли даврда суғурталовчи суғурта қилдирувчига етказилган зарарни қопламаслиги керак, бироқ реклама нуқтаи назаридан суғурталовчи бу зарарни қоплаб беради. Қоидага кўра, эски нураш арафасида турган иншоотлар ва

фойдаланилмаётган, олис ҳамда кимсасиз жойда жойлашган иншоотлар суғурта ҳимоясига олинмайди.

Уй-жойга етказилган зарар ва суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш кетма-кетлиги қуйидаги босқичлардан иборат:

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда содир бўлган риск натижасида мулкнинг зарарланганлик ва нобуд бўлганлик фактини аниқлаш;

- етказилган зарарнинг сабаблари ва ҳолатларини аниқлаш, буни суғурта ҳодисаси ёки суғурта ҳодисаси эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

- зарарланган объектларни суғурталанган объектлар жумласига кириши масаласига аниқлик киритиш;

- зарар суммаси ва суғурта қопламасини ҳисоб-китоб қилиш.

Нобуд бўлган мулкнинг суғурта баҳоси бўйича қиймати, шикастланган мулкнинг қадрсизланишини ҳисобга олган қиймати, мулкни қутқариш ва уни тартибга келтириш бўйича ишлар қиймати суғурталовчининг зарарлари ҳисобланади. Зарар суммасидан мулкнинг зарарланган ёки зарарланмаган, бироқ қурилиш материали сифатида ишлатиш мумкин бўлган қисми (ғиштлар, доскалар ва бошқалар) чегириб ташланади.

Иншоотлар нобуд бўлганда ёки шикастланганда суғурта ташкилоти ходими суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда суғурта қилдирувчида иншоотнинг мавжудлиги ва таркибини текширади. Суғурта баҳолаш варақаларига барча иншоотлар ёзув шаклида киритилганлигига аниқлик киритилади, бино ва иншоотларнинг қайси мақсадларда фойдаланиши бўйича маълумотлар тўғрими, деган саволларга жавоб олинади. Суғурта шартномаси тузилгандан сўнг янги иморат қурилган бўлса, уни ҳам баҳоси аниқланиши лозим.

Далолатномадаги ҳамда суғурта баҳоловчи варақаларидаги маълумотлар иморатларнинг нобуд бўлишида ҳам, шикастланишида ҳам

зарарларни аниқлаш учун асос бўлади. Шикастланган иморатларни таъмирлаш харажатлари бажариладиган иш турига белгиланган нархлар асосида ҳисобланади.

2. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Ҳозирги шароитда суғурта соҳаси Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барқарорлиги ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда суғуртанинг бекиёс ролини эътиборга олиб 2007 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор республика суғурта тармоғининг илдам ривожланишига катта туртки берди ва унда суғурта бозори ривожланишининг ҳамда суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Таъкидлаш лозимки, мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан суғурта бозори ривожлантириш ва такомиллаштиришда янги босқич бошланди.

Бугунги кунда деярли барча суғурта компаниялари республика минтақаларида ўз филиалларини ташкил этганлар. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда. Аммо, мулк суғуртаси бозорини таҳлил этиш натижалари суғурта ташкилотлари портфелининг салмоқли қисми корпоратив суғурта ҳисобидан шаклланаётганлиги маълум бўлди. Чакана савдо деб номланувчи суғурта хизматлари бозори ривожланиши суст. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, жисмоний шахслар учун мўлжалланган суғурта полислари мижозларнинг эҳтиёжига мос келмайди. Айниқса, қишлоқ жойларда жисмоний шахсларнинг мулкый манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари етарли эмас.

Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи жисмоний шахсларнинг мулки суғурта воситасида ҳимояга олинмаган.

Бизнинг фикримизча, жисмоний шахсларнинг мулкини суғурталаш тизимини ривожлантириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш лозим.

Жисмоний шахсларга суғурта полисларини сотишда почта бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва банкларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур. Суғурталовчиларнинг бу борадаги фаолияти талабга жавоб бермайди. Жисмоний шахсларнинг мулкларини суғурталаш бўйича шартномалар тузиш тартибини соддалаштириш лозим, токи у миждозлар учун тушунарли ва оддий бўлиши керак.

Қайд этиш жоизки, ҳанузгача жисмоний шахслар мулкини суғурталаш бўйича рақобат муҳити тўла-тўқис шаклланмаган. Республика минтақаларида, фақат, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари фаоллик кўрсатмоқда. Жисмоний шахслар билан суғурта муносабатларини ўрнатиш ўзига хос хусусиятга эга. Энг аввало, бу фаолият кўп сонли суғурта агентлари ишлашини, бинобарин, иш ҳақи билан боғлиқ сарф-харажатлар ошишини талаб этади.

Бизнинг назаримизда, жисмоний шахслар мулкини суғурталашда суғурталовчилар томонидан ҳар бир конструктив элемент бўйича жавобгарлик лимитини белгилаш зарур. Суғурта қилиш қоидаларида, масалан, қуйидаги жавобгарлик лимитлари кўрсатилиши мумкин:

- иморат деворлари- суғурта суммасининг 25,0 фоизи миқдорида;
- иморат потологи – суғурта суммасининг 15,0 фоизи миқдорида;
- поллар –суғурта суммасининг 32,0 фоизи миқдорида;
- иморат эшиклари – суғурта суммасининг 8,0 фоизи миқдорида;
- иморат деразалари ойналари – суғурта суммасининг 5,0 фоизи миқдорида;

-муҳандислик ускуналари – суғурта суммасининг 15,0 фоизи микдорида. Шу йўсинда, агар қўшниларнинг айби билан уйни сув босса уй эгаси – суғурта қилдирувчи суғурта суммасининг 15,0 фоизини олади. Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши, бизнинг фикримизча, жисмоний шахслар мулкани суғурталашни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Бундан ташқари, автомобиль транспорти воситаларини суғурталашдан фарқли равишда жисмоний шахслар мулкани суғурталаш суғуртанинг кам зарарли турларига мансуб. Ушбу суғурта тури бўйича зарарлилик кўрсаткичи 10,0 фоиздан ошмайди. Автомобиль транспортини суғурталаш ва юридик шахслар мулкани суғурталаш бозорини қамраб олган демпинг муаммоси жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бозорига тариф ставкаларининг эгилувчанлиги сабабли унчалик таъсир кўрсатмади.

Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича шартномаларни тузиш жараёнларининг янада соддалашуви ва зарарларни тартибга солиш ишларининг оддийлашуви ўз навбатида суғурта соҳасида фирибгарлик ва товламачиликни авж олишига олиб келиши мумкин. Амалиётда мазкур суғурта тури бўйича учраётган энг кўп суғурта товламачилик ҳолатлари қуйидаги тарзда намоён бўлган:

- суғурта ҳодисасига дучор бўлган объектни олдинги сана билан суғуртага қабул қилиш;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарар микдорини сунъий ошириш;
- суғурта қопламасини олиш мақсадида кераксиз, қадрини йўқотган ва эскирган мулкларни йўқ қилиш. Боз устига суғурта суммаси мулкнинг суғурта қийматидан оширилган ҳолда кўрсатилади.
- суғурта ҳодисаси рўй беришини ташкиллаштириш;
- икки ёқлама суғурта.

Жисмоний шахсларнинг суғурта полисини сотиб олишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида уларга суғурта мукофотларини тўлашда

тўлов муддатини 2-3 ойга узайтириш ҳуқуқини бериш амалиётини жорий этишни таклиф этамиз. Шунингдек, олдиндан суғурта компаниясининг суғурта полисларига эга бўлган суғурта килдирувчиларга янги суғурта шартномасини тузаётганда ҳисоблаб чиқилган суғурта мукофотининг 5,0 фоизи миқдорида чегирмалар тақдим этиш, ҳар йили суғурта шартномасининг зарарсиз амал қилишини таъминлагани учун суғурта килдирувчига ҳар йили суғурта мукофотининг 5,0 фоизи миқдорида, аммо жами суғурта мукофоти миқдорининг 30,0 фоизидан ошмаган миқдорда чегирмалар тақдим этиш ҳамда суғурта шартнома муддати тугагандан сўнг уни узайтириш учун имтиёзли ой даврини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний шахсларнинг мулкани суғурталаш, шубҳасиз, суғурталовчи портфелида катта ҳажмга эга эмас. Чунки, суғурталовчилар биринчи навбатда автосуғурта ва юридик шахслар мулкани суғурталаш ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратадилар. Автомобиль суғуртаси қисқа муддатда катта миқдордаги суғурта мукофотларини тўплаш имкониятини беради. Автомобиль суғуртаси бўйича тариф ставкалари уй-жой суғуртаси бўйича тарифлардан анча юқори. Аммо, ушбу суғурта тури бўйича зарарлилик кўрсаткичи нисбатан юқори ҳисобланади. Шу сабабли, суғурталовчилар зарарлилик кўрсаткичи анча паст бўлган жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича ўз фаолиятларини ривожлантирсалар мақсадга мувофиқ. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш юзасидан ранг-баранг суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ва мижозларга тақдим этиш ижобий натижа беради. Ипотека суғуртаси ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Бизнинг фикримизча, уй-жой иморатларини суғурталаш бўйича алоҳида имтиёзли суғурта дастурларини ишлаб чиқиш лозим. Дастур ихтиёрий шаклга эга бўлиб, унга ҳақ тўлаш коммунал тўловлар тизими орқали амалга оширилади. Бундай дастурлар жисмоний шахслар мулкани суғурталаш ишини оммалаштиришда ва аҳолининг суғурта саводхонлигини оширишда йирик аҳамиятга эга бўлади.

Жисмоний шахслар мулкани суғурталашдаги энг катта муаммо бизнинг фуқароларимиз томонидан мулк суғуртасининг мазмун-моҳиятини етарли даражада билмаслиги билан изоҳланади. Агар жисмоний шахс ўз уй-жойини йўқотса кулфат олдида якка-ёлғиз қолади. Бундай вазиятларда суғуртанинг молиявий ҳимоялаш воситаси сифатидаги ўрнини баҳолаш жуда қийин.

Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш билан шуғулланувчи суғурта ташкилотларига хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишни таклиф этамиз. Ушбу суғурта турининг жамият учун фойдасини баҳолаш қийин. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш сегменти истикболда гуркираб ривожланиши учун катта имкониятлар мавжуд.

III боб бўйича хулоса

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахслар мулкани суғурталаш нисбатан тараққий этган бўлиб, суғурталовчилар миқдорлар билан шартнома муносабатларга киришишда миқдорнинг эҳтиёжларини тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қиладилар.

Жисмоний шахсларнинг суғурта полисини сотиб олишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида уларга суғурта мукофотларини тўлашда тўлов муддатини 2-3 ойга узайтириш ҳуқуқини бериш амалиётини жорий этишни таклиф этамиз. Шунингдек, олдиндан суғурта компаниясининг суғурта полисларига эга бўлган суғурта қилдирувчиларга янги суғурта шартномасини тузаётганда ҳисоблаб чиқилган суғурта мукофотининг 5,0 фоизи миқдорида чегирмалар тақдим этиш, ҳар йили суғурта шартномасининг зарарсиз амал қилишини таъминлагани учун суғурта қилдирувчига ҳар йили суғурта мукофотининг 5,0 фоизи миқдорида, аммо жами суғурта мукофоти миқдорининг 30,0 фоизидан ошмаган миқдорда чегирмалар тақдим этиш ҳамда суғурта шартнома муддати тугагандан сўнг уни узайтириш учун имтиёзли ой даврини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Танланган мавзу доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги хулосалар чиқарилди ва жисмоний шахслар мулкни суғурталашни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлиб чиқилди.

1. Жисмоний шахсларнинг мулкни суғурталашда суғурталовчиларнинг андеррайтинг сиёсати муҳим ўрин тутди. Андеррайтер рискларни таҳлил қилиш жараёнида рискларнинг барча турлари ичидан шундай рискларни танлайдики, бу рисклар суғурта компанияси томонидан суғуртага қабул қилинади. Кейин у дастлабки селекция даврида танлаб олинган рискларни чуқур таҳлил этади. Бундан асосий мақсад келгусида бу рисклар билан ишлашни давом эттириш ҳисобланади. Рискларни ўрганиш ва таҳлил этишдан сўнг андеррайтер уларнинг рўй бериш даражасига мувофиқ ҳамда суғурта компанияси учун кутилган эҳтимол зарарлар ҳажмидан келиб чиқиб классификациялайди. Танлаб олинган рискларни бундай класификациялаш кейинчалик суғурта шартлари, тариф ставкалари ва франшиза тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулклар умумий суғурта тармоғининг, асосан, 8 класс - Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш ва 9-класси мол-мулкни зарардан суғурта қилиш доирасида амалга ошириладиган суғурталаш шартлари асосида суғурта ҳимоясига олинадилар. “Суғурта фаолияти классификатори”нинг 8-классининг мазмуни ва суғурталашга қўйиладиган талаблари қуйидагилардан иборат.

Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, zilзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7- классларда кўрсатилганлар бундан

мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами.

Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулклар 9-класс доирасида ҳам суғурта ҳимоясига олиниши мумкин. Бу ҳолда мазкур класснинг мазмуни ва суғурталаш шартлари қуйидагилардан иборат бўлади:

8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совук тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами.

3. Тадқиқот доирасида амалга оширилган таҳлиллар суғурталовчилар портфелида мулк суғуртаси катта салмоққа эга эканлигини кўрсатди. Аммо, чакана савдо деб номланувчи суғурта хизматлари бозори ривожланиши суст. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, жисмоний шахслар учун мўлжалланган суғурта полислари миқдорларнинг эҳтиёжига мос келмайди. Айниқса, қишлоқ жойларда жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари етарли эмас. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи жисмоний шахсларнинг мулки суғурта воситасида ҳимояга олинмаган.

4. Бизнинг фикримизча, жисмоний шахсларнинг мулкӣни суғурталаш тизимини ривожлантириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш лозим.

Жисмоний шахсларга суғурта полисларини сотишда почта бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва банкларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур. Суғурталовчиларнинг бу борадаги фаолияти талабга жавоб бермайди. Жисмоний шахсларнинг мулкларини суғурталаш бўйича шартномалар тузиш тартибини соддалаштириш лозим, токи у миқдорлар учун тушунарли ва оддий бўлиши керак.

Қайд этиш жоизки, ҳанузгача жисмоний шахслар мулкини суғурталаш бўйича рақобат муҳити тўла-тўқис шаклланмаган. Республика минтакаларида, фақат, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари фаоллик кўрсатмоқда. Жисмоний шахслар билан суғурта муносабатларини ўрнатиш ўзига хос хусусиятга эга. Энг аввало, бу фаолият кўп сонли суғурта агентлари ишлашини, бинобарин, иш ҳақи билан боғлиқ сарф-харажатлар ошишини талаб этади.

5. Бизнинг назаримизда, жисмоний шахслар мулкини суғурталашда суғурталовчилар томонидан ҳар бир конструктив элемент бўйича жавобгарлик лимитини белгилаш зарур. Суғурта қилиш қоидаларида, масалан, қуйидаги жавобгарлик лимитлари кўрсатилиши мумкин:

- иморат деворлари- суғурта суммасининг 25,0 фоизи миқдорида;
- иморат потологи – суғурта суммасининг 15,0 фоизи миқдорида;
- поллар –суғурта суммасининг 32,0 фоизи миқдорида;
- иморат эшиклари – суғурта суммасининг 8,0 фоизи миқдорида;
- иморат деразалари ойналари – суғурта суммасининг 5,0 фоизи миқдорида;

-муҳандислик ускуналари – суғурта суммасининг 15,0 фоизи миқдорида. Шу йўсинда, агар қўшниларнинг айби билан уйни сув босса уй эгаси – суғурта қилдирувчи суғурта суммасининг 15,0 фоизини олади. Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши, бизнинг фикримизча, жисмоний шахслар мулкини суғурталашни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

6. Автомобиль транспорти воситаларини суғурталашдан фарқли равишда жисмоний шахслар мулкини суғурталаш суғуртанинг кам зарарли турларига мансуб. Ушбу суғурта тури бўйича зарарлилик кўрсаткичи 10,0 фоиздан ошмайди. Автомобиль транспортини суғурталаш ва юридик шахслар мулкини суғурталаш бозорини қамраб олган демпинг муаммоси жисмоний шахслар мулкини суғурталаш бозорига тариф ставкаларининг эгилувчанлиги сабабли унчалик таъсир кўрсатмади.

7. Жисмоний шахсларнинг суғурта полисини сотиб олишга бўлган кизиқишини ошириш мақсадида уларга суғурта мукофотларини тўлашда тўлов муддатини 2-3 ойга узайтириш ҳуқуқини бериш амалиётини жорий этишни таклиф этамиз. Шунингдек, олдиндан суғурта компаниясининг суғурта полисларига эга бўлган суғурта килдирувчиларга янги суғурта шартномасини тузаётганда ҳисоблаб чиқилган суғурта мукофотининг 5,0 фоизи миқдорида чегирмалар тақдим этиш, ҳар йили суғурта шартномасининг зарарсиз амал қилишини таъминлагани учун суғурта килдирувчига ҳар йили суғурта мукофотининг 5,0 фоизи миқдорида, аммо жами суғурта мукофоти миқдорининг 30,0 фоизидан ошмаган миқдорда чегирмалар тақдим этиш ҳамда суғурта шартнома муддати тугагандан сўнг уни узайтириш учун имтиёзли ой даврини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

8. Жисмоний шахсларнинг мулкани суғурталаш, шубҳасиз, суғурталовчи портфелида катта ҳажмга эга эмас. Чунки, суғурталовчилар биринчи навбатда автосуғурта ва юридик шахслар мулкани суғурталаш ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратадилар. Автомобиль суғуртаси қисқа муддатда катта миқдордаги суғурта мукофотларини тўплаш имкониятини беради. Автомобиль суғуртаси бўйича тариф ставкалари уй-жой суғуртаси бўйича тарифлардан анча юқори. Аммо, ушбу суғурта тури бўйича зарарлилик кўрсаткичи нисбатан юқори ҳисобланади. Шу сабабли, суғурталовчилар зарарлилик кўрсаткичи анча паст бўлган жисмоний шахслар мулкани суғурталаш бўйича ўз фаолиятларини ривожлантирсалар мақсадга мувофиқ. Жисмоний шахслар мулкани суғурталаш юзасидан ранг-баранг суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ва мижозларга тақдим этиш ижобий натижа беради. Ипотека суғуртаси ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда.

9. Бизнинг фикримизча, уй-жой иморатларини суғурталаш бўйича алоҳида имтиёзли суғурта дастурларини ишлаб чиқиш лозим. Дастур ихтиёрий шаклга эга бўлиб, унга ҳақ тўлаш коммунал тўловлар тизими орқали амалга оширилади. Бундай дастурлар жисмоний шахслар мулкани

суғурталаш ишини оммалаштиришда ва аҳолининг суғурта саводхонлигини оширишда йирик аҳамиятга эга бўлади.

10. Жисмоний шахслар мулкани суғурталашдаги энг катта муаммо бизнинг фуқароларимиз томонидан мулк суғуртасининг мазмун-моҳиятини етарли даражада билмаслиги билан изоҳланади. Агар жисмоний шахс ўз уй-жойини йўқотса кулфат олдида якка-ёлғиз қолади. Бундай вазиятларда суғуртанинг молиявий ҳимоялаш воситаси сифатидаги ўрнини баҳолаш жуда қийин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг

устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

9. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.-528 бет.

10. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

IV. Асосий адабиётлар

11. 19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.

12. Страхование: учебник/Под ред. Проф. Т.А.Федоровой. – СПб.:Магистр , 2008.-768 с.

13. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.

14. Ochilov I., Sultonov D. Sug‘urta hisobi va hisoboti. O‘quv qo‘llanma. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010y. – 224 bet.

15. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “PRINTXPRESS ”, 2010 й. – 208 бет.
16. Самарова Е. Страховая математика: практический курс. Учебное пособие. – М.: “ИНФРА – М ”, 2009 г. – 80 стр.
17. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр ”, 2009 г. – 1006 стр.
18. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 240 стр.
19. Никулина Н. Страховой маркетинг. Учебной пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА ”, 2009 г. – 503 стр.
20. Никулина Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2008 г. – 511 стр.
21. Сербиновский Б. Страховое дело. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г. – 476 стр.
22. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г. - 751 стр.
23. Страхование: учебник для студентов, Обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, “Бухгалтерский учет, анализ и аудит” / под. ред. В.В.Шахова, Ю.Т. Ахвледиани. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2010 г.- 511 стр.
24. Эркаев Ў.А. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори. Илмий-оммабоп китоб. – Т.: Наврўз, 2013 й. – 304 б.
25. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: “Moliya-iqtisod”, 2013 й. – 264 б.
26. Шеннаев Х.М., Баймуратов Т.М. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. – “Turon-iqbol”, 2013 й. – 224 б.

V. Қўшимча адабиётлар

27. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.
28. Галаганов В. Основы страхования и страхового дела: учебное пособие. – М.: “КНОРУС”, 2010 г. – 224 стр.
29. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: ИКЦ “МарТ”, 2009 г. - 240 стр.
30. Игошин Н. Страхование право. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2010 г. – 167 стр.
31. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. – М.: Изд. “Окей – книга”, 2010 г. – 176 стр.
32. Кузнецова И. Страхование жизни имущества граждан. Практическое пособие. – М.: “Дашков и К”, 2010 г. – 228 стр.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

33. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового рынка – 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г. С.86-91.
34. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.
35. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г. С.1-2.
36. Мавлонова Н. Аҳоли суғуртаси ривожланмокда//Бозор, пул ва кредит, 2014 йил, №1, 61-б.
37. Обзор страхового рынка Узбекистана по итогам 2010 года//Бизнес-вестник Востока, №3-4/1 13 января 2011 года. стр.8.
38. “Узагросугурта”: страховая защита по всему Узбекистану//Бизнес-вестник Востока, №30, 14 апреля 2011 г. – стр.5.

39. “Ўзбекинвест”: стратегия успешного бизнеса//Бизнес-вестник Востока, №32, 21 апреля 2011 г. –стр.7.
40. Страховая компания “Кафолат”: 14 лет успешного роста// Бизнес-вестник Востока, №29 12 апреля 2011 г. –стр.4.
41. Икромов О.Ғ., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.
42. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
43. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари

44. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
45. <http://www.UzReport.com> (“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги).
46. <http://www.agros.uz> (“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
47. <http://www.uzbekinvest.uz> (“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси).
48. <http://www.kafolat.uz> (“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
49. <http://www.alfainvest.uz> (“Альфа инвест” суғурта компанияси).
50. <http://www.alskom.uz> (“Алском” суғурта компанияси).
51. <http://www.kapitalsugurta.uz> (“Капитал суғурта” суғурта компанияси).
52. <http://www.allinsurance.ru> (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).
53. <http://www.expert.ru> (Россия Федерацияси рейтинг компанияси).
54. <http://www.ankil.ru> (Россия Федерациясининг консалтинг фирмаси).
55. <http://www.znay.ru> (Россия Федерациясининг суғурта сайти).